

Уз. 2
494.322
ж-83



Ш.Д.ЖОНБОВ

“ЛУҒАТИ АТРОКИЙИ” - АЛИШЕР НАВОИЙ
АСАРЛАРИ УЧУН ТУЗИЛГАН
НОЁБ ҚЎЛЁЗМА ЛУҒАТ

узб. 2

494.322

жк-83

Ш.Д.ЖОНБОВ

**"ЛУҒАТИ АТРОКИЙА" - АЛИШЕР НАВОИЙ
АСАРЛАРИ УЧУН ТУЗИЛГАН
НОЁБ ҚҮЛЁЗМА ЛУҒАТ**

28005
ALISHER NAVOIY HAYATIDAGI
TOSHDU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

Тошкент
"Университет"
1999

TOSHDU
O'ZBEKiston Respublikasi
O'QUV-ZALI

Ушбу рисола улуғ шоир Алишер Навоий асарлари учун тузилган луғатларнинг энг нодирларидан - "Луғати атрокийя"га бағишланган. Унда мазкур асар шу мавзудаги луғатлар, хусусан, "Санглох" билан қиёсланган. Қиёс натижасида "Луғати атрокийя"нинг бошқа луғатлар қатори ўз ўрни ва аҳамияти бор ёдгорлик экани кўрсатиб берилган.

Маъсул муҳаррир - акад.А.Рустамий

Рисола Тошкент давлат Шарқшунослик институти Ўзбек тили кафедрасининг қарори билан (1996 йил, 8 ноябр мажлис баённомаси) нашрга тавсия этилган.

© "Университет" нашриёти – 1999

КИРИШ

Туркий тилларнинг қиёсий грамматикасини яратиш ўзбек туркшунослигининг ҳозирги кунда муҳим ва долзарб масаласи бўлиб қолмоқда. Туркий тилларнинг ўзига хос ва бир-бирига яқинлик масаласини ўрганишнинг аҳамиятини асримизнинг бошларида таниқли рус туркшуноси П.М.Мелиоранский қайд этган эди. (13,1). Туркшунослар бу муаммони муваффақиятли поёнига етказиш учун туркий тиллар ривожланишининг айрим-айрим босқичларини имкон доирасида ўрганиш лозимлигини таъкидлаган эдилар. Туркшунослар бу масалани ҳал қилиш учун айрим туркий ёдгорликларнинг фонетик, грамматик ва лексик жиҳатларини ўрганиш ва шундан кейин гуруҳ ёдгорликлари бўйича хулоса чиқариш кераклиги ҳақида ёздилар. Дунё, шу жумладан, ўзбек туркшунослари туркий тилларнинг грамматикаси ва лексикасига бағишланган филологик рисодаларни нашр қилдилар. Баъзи ёдгорликларнинг фонетик, грамматик ва лексикасини чуқур ўргандилар. Шуниси қизикки, араб ёки форс тилида шарҳланган туркий тилларнинг филологик рисодалари араб тилшунослиги қонун-қоидалари асосида тузилганлиги туркшунослар наздида ижобий баҳоланган. Бу ҳақда П.М.Мелиоранский қуйидагича ёзди: "Несмотря на пресловутую "схоластичность" средневековой арабско-мусульманской науки надо сказать, что в некоторых отраслях языкознания средневековые арабы-филологи обнаруживали гораздо большую рациональность в своих приёмах и теориях, чем европейские учёные (а в особенности ориенталисты) не только в средние века, но даже чуть ли не вплоть до XIX столетия"(13,1).

Шу боис ўрта асрларда туркий тиллар бўйича яратилган асарлар илимий жиҳатдан юқори савияда бўлиб, замонавий туркшунослиқда муҳим аҳамиятта эга. Ўрта асрларда яратилган манбаларни нашр этиш ишига кейинги йилларда алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу соҳада Ўзбекистонда кейинги ярим аср давомида самарали ишлар амалга оширилди. Ўзбек туркшуноси Э.И.Фозилов шогирдлари билан туркий тилларнинг фонетик, грамматик ва лексикасига бағишланган бир неча қадимий филологик рисодаларни нашр қилди.

Нашр қилинган адабий ва филологик манбаълар асосида туркий тилларнинг айрим даврларига бағишланган рисодалар яратилди. Бу соҳада А.М.Щербакнинг ишлари таҳсинга сазовор. У эски ўзбек тили грамматикасига бағишланган китобининг кириш қисмида, ушбу китоб аввалги китобнинг давоми, бундан кейин улар билан узвий боғлиқ бошқа бир китоб ёзажаги ва ўша учта китоб якуний бир рисола ҳосил қилиши ҳақида шундай ёзган эди: Настоящая работа "Грамматика староузбекского языка" является продолжением "Грамматического очерка языка тюркских текстов X-XIII вв. из Восточного Туркестана". За ней последует описание следующего периода и далее очерк истории узбекского языка, который будет составлен на основе всестороннего сопоставления трех синхронных разрезов, относящихся к разным периодам времени и результатов их исследования"(26,61).

Ўзбек туркшунослари ўзбек тилининг тарихий грамматикасини яратиш йўлида туркий тилларнинг энг қадимий жумладан XI-XIV аср адабий ёдгорликларини ўрганишга катта аҳамият бердилар. "XIII-XIV асрлар туркий адабий ёдгорликлар тили" номли монография ана шу излашниш натижаси ҳисобланади (8).

Эски ўзбек тили бўйича анча ишлар қилинган. Бу иш билан Европада биринчи бўлиб Г.Вамбери (33), сўнгра Э.Катрмер (29) шуғулланганлар. Бу ишларнинг биринчисида Вамбери эски ўзбек тили давридан кўра XIX аср жонли ўзбек тилини кўпроқ ўрганган. У ёзган 16 саҳифалик грамматик очерк, қисқача адабиёт обзори, хрестоматия ва луғат эски ўзбек тили хусусиятларини тўла очиб бера олмайди. Бунинг устига унинг грамматика қисми бутунги кун учун эскирган (15,9).

Россияда шу хил ишлар И.Н.Березин томонидан амалга оширилган. Унинг "Турецкая хрестоматия"асари чигатоё тилидаги турли матнлардан иборат (Казань, 1865).

Н.И.Ильминский эски ўзбек тилидаги айрим масалаларга қизиқиш билан қараган. У "Бобурнома"ни Г.Я.Кер қўлёзмаси бўйича нашр қилган (Казань, 1867).

А.Н.Самойлович, А.К.Боровков ва К.Броккельманлар эски ўзбек тили бўйича анча ишлар қилдилар. А.Н.Самойлович Алишер Навоий, Атоий, Амирий ва бошқа қатор шоирлар асарлари устида иш олиб бориб, уларни чуқур лингвистик таҳлил қилди. У Урта Осиё адабиёти бўйича бир неча очерк ва матнлар эълон қилди.

Эски ўзбек тилини ўрганишда А.К.Боровковнинг хизмати таҳсинга сазовор. У бир қанча мақолаларида Навоий ва унинг замондошлари тилининг фонетик ва грамматикаси ҳақида диққатга сазовор ишлар қилди.

К.Броккельманнинг "Урта Осиё мусулмон адабиёти тилининг грамматикаси" асарида XI-XIII аср ёзма манбалар Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғати-т-турк", Юсуф хос Ҳожибнинг "Кутадғу билиг", "Ҳибат ал-ҳақойик", "Қисас ал-анбий" ва бошқа қатор эски ўзбек адабиёти асарлари тадқиқ қилинган.

Эски ўзбек тилининг айрим кирралари А.Н.Кононов, К.К.Юдахин, Ж.Клосон, К.Менгес, Я.Экман, Э.Рустамов, А.Рустамов, Г.Ф.Благова, О.Усмонов, В.Д.Артамошина, Ш.Шукуров каби олимларнинг ишларида ўз аксини топди.

Эски ўзбек тили грамматикаси бўйича бир асрдан кўпроқ вақт ичида яратилган барча ишлар А.М.Щербакнинг "Грамматика староузбекского языка" асарида мужассамлашган (26). Ушбу рисолага XIV-XVI асрларда яратилган асарлар муҳим манбаъ бўлди. Улар қуйидагилар: Алишер Навоийнинг ҳамма асарлари, бадий, тарихий, диний ва одоба бағишланган қўлёзмалар, мактуб ва иш хужжатлари, чигатоёча-форсча луғат ва филологик рисоалар. (26,19). Ана шундай бой манбалар асосида тузилган ушбу китоб эски ўзбек тили грамматикасининг ҳамма бўлимлари қамраб олган бўлса-да, унда фонетика ва морфологияга кўпроқ ўрин берилган, синтаксис қисми фақат ўн бир саҳифани (211-222 бетлар) ташкил қилади.

Ўзбек туркшунослари XIII-XIV асрларда яратилган ёзма ёдгорликлари тилини ўрганишга катта эътибор бердилар. Чунки бу даврлар туркий тиллар тарихида мураккаб даврни ташкил этади. Бу даврда яратилган "Тафсир", "Қисаси Рабғузий", "Ўғузнома", "Нахжул фародис", "Хусрав ва Ширин", "Муҳаббатнома", "Гулистон би-т-туркий" каби асарларнинг матн ва тил хусусиятларини ўрганмай туриб, эски ўзбек тили лексик ва грамматик қурилиши ҳақида тўлақонли иш яратиш қийин. Бундай иш яратилган тақдирда ҳам туркий тиллар ва улар ўртасидаги узвий боғланишни кўрсатиб бериш қийин. Маълум бир босқичнинг тушиб қолиши дарҳол сезилиб, кейинги босқич тили устида олиб борилган тадқиқотларни маълум даражада сунъий бўлиб чиқишига олиб келган бўлар эди. Шунинг учун ҳам ўзбек тилининг тараққиёт тарихида муҳим босқич ҳисобланган XIII-XIV аср қўлёзмалари ўзбек туркшунослари диққатидан четда қолмади. Улар ўзбек тили ва бошқа туркий тиллар учун аҳамиятли бўлган ушбу давр адабий ёдгорликлар тили ҳақида муҳим илмий асарлар яратдилар. Бу соҳада Э.И.Фозилов ва унинг шогирдлари катта ишларни амалга оширдилар (8). Уларнинг тадқиқотларида XIII-XIV аср адабий ёдгорликларидаги грамматик категориялар чуқур ва кенг ўрганилган.

Эски ўзбек тилини ўрганишга ўзбек олимлари ҳам салмоқли ҳисса қўшдилар. Эски ўзбек тили бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг аксарияти Навоий асарлари асосида олиб борилди. Шундай ишларнинг энг каттаси - бу академик Алибек Рустамовнинг "Алишер Навоий тилининг морфологик хусусиятлари" мавзусидаги докторлик диссертациясидир.

Эски ўзбек тилини ўрганиш ва тадқиқ қилиш анча илгари бошланган. Бу нарса Алишер Навоий асарларининг Марказий Осиё ва унинг чегаралари оша Эрон, Усмоний Туркия ва Кавказда кенг ёйилган давр билан боғлиқ. Бундай тадқиқотлар асосан қўлёзма луғатлар шаклида сакланиб қолган. Улар қуйидагилар:

1. "Бадойи ал-луғат". Луғат муаллифи Толи Имоний ал-Харавий ҳақида маълумотлар йўқ. Унинг ўзи айтишича, луғатни Султон Хусайн (1438-1506) буйруғи билан тузган. Луғат қисқа бўлиши ва Алишер Навоий шеърисидаги кийин сўзларни ўз ичига олиши лозим эди. "Бадойи ал-луғат"нинг тузилган йили маълум эмас, лекин юқорида келтирилган муқаддимадаги маълумотга асосланиб, уни 1506 йилдан илгари, яъни Хусайн Бойқаро ўлиmidан олдин тузилган дейиш тўғри бўлади. Луғатнинг бизгача етиб келган биргина қўлёзмаси 1705/1706 йили кўчирилган. С.Петербургдаги Салтиков-Щедрин кутубхонасида сақланмоқда. А.К.Боровков "Бадойи ал-луғат" факсимилисини кириш сўзи билан 1961 йили "Издательство восточной литературы" нашриётида чоп қилган.

2. "Абушқа. Тузувчиси номаълум. "Санглох"нинг муаллифи бу ва яна бошқа бир луғат муаллифларини "Муаллифайн Румийайн", яъни икки Рум (Туркия)лик автор деб атайди. Шунга кўра у Румий нисбаси билан аталishi мумкин.

"Абушқа"нинг ҳам тузилган йили аниқ эмас, лекин унинг 1560 йилда кўчирилган энг қадимий нусхаси мавжуд. "Абушқа"ни В.Вельяминов-Зернов "ал-Луғат ан-Навоиййа ва-л-истишҳодат ал-чигатоиййа" номи билан 1869 йилда Петербургда нашр қилган.

3. Санглох. Бу луғат муқаддимасида эски ўзбек тили грамматикасига бағишланган "Мабони ал-луғат" (26-266) рисоласи бор. Муаллифи Муҳаммад Махдихоннинг ҳаёт йўли ҳақида маълумот жуда оз. У давлат хизматида бўлиб, Нодиршоҳ (1688-1747)нинг шахсий котиби ва сарой тарихчиси вазифаларида ишлаган. Унинг Нодиршоҳга бағишланган "Тарихи Нодирий" ва "Дуррайи Нодирий" асарлари ҳам мавжуд. Бу тарихий асарларнинг биринчиси Нодиршоҳ қатл қилингандан бир йил кейин яъни 1161 хижрийда узил-кесил тугатилган. "Санглох" эса ўн бир йилдан сўнг, 1172 хижрийда поёнига етган.

Gibb memorial vtugt, Британия музейи, Бодлеан кутубхонасидаги (Elliot, 341) уч кўлёзма асосида Ж.Клосон нашр қилган.

4. «Луғати атрокийя». Фатҳали Қожорнинг бу луғати тадқиқотчилар томонидан юқори баҳоланган. Луғатнинг фақат биргина нусхаси С.Петербург Давлат университети кутубхонасида 1177 рақами билан сақланмоқда. Луғатнинг "Баҳжат ал-луғат" номи билан юритиладиган Тури нусхаси ҳам бор. Лекин у исиз йўқолган кўринади. Тури луғатни нашр қилмади, проф.Ю.Ф.Немет ҳам бу нусха ҳақида А.К.Боровковга бирор қоникарли хабар юбора олмаган.

"Луғати атрокийя" 1862 йил февраль ойида тугатилган.

Алишер Навоий асарларига тузилган луғатлардан фақат "Бадойиъ ал-луғат", "Абушқа" ва "Санглох" нашр қилинган. "Луғати атрокийя" ҳали нашр қилинмаган.

Санаб ўтилган луғатларнинг биринчиси форс тили қомуслари усулида тузилган бўлиб, унинг пайдо бўлишига Алишер Навоий асарлари асос бўлган. Толе Ҳаравийнинг бу луғати Навоий девонларидаги энг қийин туркий сўзлар учун тузилган. Унинг ҳажми ҳам айтарли катта эмас, атиги 1000 га яқин сўзни ўз ичига олади. Ушбу асар Навоий давридаёқ эски ўзбек тили учун зарур манбалар юзага кела бошлаганини кўрсатади. Ўтган асрда туркшунослик фани олдида "максимум дастур" "Бадойи ал-луғат" дан сўнг кетма-кет вужудга келган "Абушқа", "Санглох" ва "Луғати атрокийя"ларни ўрганиш эди. Лекин бу луғатларни ўрганиш, ишни қайси луғатдан бошлаш кераклиги анча мушқил бўлди. "Бадойи ал-луғат"нинг фақат бир нусхада сақланиб қолгани ва унинг форсча шикаста матни билан ёзилиши нашрни анча кечиктириб юборди. Бу иш А.К.Боровков томонидан 1961 йилда бажарилиди.

"Санглох" эса, 1960 йилда нашр бўлди (27). Луғатнинг мавжуд уч кўлёмаси устидаги иш ниҳоятда қийинлиги сабабли луғатнинг нашри кеч амалга оширилди.

"Луғати атрокийя" ҳам "Бадойи ал-луғат" сингари фақат бир нусхада бўлгани, ундаги изох, шарҳларининг мураккаблиги туфайли у шу кунгача нашр қилинмай келинмоқда.

"Абушқа"нинг тақдирини бошқачароқ бўлди: у ўтган асрдаёқ нашр қилинди (30), бошқа туркий луғатлар таркибига киритилди (33),(34). "Абушқа" кўлэмаларининг кўплаб нусхаларда мавжудлиги унинг нашрларини анча енгиллаштирган. Дунёнинг турли қишлоқларида Навоий ва умуман эски ўзбек тилига бағишланган грамматик рисола ва луғатларини нашр қилишда олимлар яқдил деса бўлади. Бу ҳол, айниқса юқориди санаб ўтганимиз – луғатларни нашр этишда ўз ифодасини топди.

Луғатларни нашр қилиш иши анча вақтга чўзилиб кетганидек, уларни тадқиқ қилиш соҳасида ҳам кечиккич рўй берди. Бу фикрнинг тўғрилигини мана эидигина, кейинги чорак аср ичида ўзбек олимларининг луғатлар устида олиб борган илмий тадқиқотлари кўрсатиб турибди.

Навоий асарларига тузилган кўлэма луғатлар устида шу кунгача олиб боришган илмий тадқиқотларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Луғатларни лексикографик нуқтаи назардан таҳлил қилиш;
2. Луғатларни лексикологик нуқтаи назардан тадқиқ қилиш;

Б.Хасанов, Навоий луғатларининг лексикографик усулларини атрофлича ва тўлиқ ўрганди. А.К.Боровковдан кейин ушбу йўналишда иш олиб боришнинг айрим қирралари ҳақида батафсил тўхтади. Буларнинг ҳаммаси унинг докторлик диссертацияси (22) ва "Жавоҳир хазиналари"(23) деб аталмиш рисоласида ўз аксини топган. Б.Хасановнинг ушбу диссертацияси, айниқса рисоласидан кейин кўпчилик учун, сирли олам бўлиб туюлган кўлэма луғатлар тушунарли ва яқин бўлиб қолди. Чунки қадимий луғатлардан сўз ва унинг маъносини топиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келадиган иш эмас. Бундай ишни махсус тайёргарлик кўрган тор доирадаги мутахассисларгина бажара олиши мумкин.

Э.Умаровнинг докторлик диссертацияси "Бадойи ал-луғат" ва "Санглох" XV-XVIII аср эски ўзбек тилини ўрганиш учун лексикографик манбалар сифатида" деб аталади (Т.1989). Диссертацияда тадқиқот манбалари сифатида олинган икки луғат материаллари асосида эски ўзбек тилининг кўпроқ фонетика ва орфографияси ўрганилган.

Т.Ш.Қодировнинг "Мирза Муҳаммад Хўйининг "Хулосайи Аббосий" луғатининг филологик тадқиқоти" деб аталмиш номзодлик диссертацияси (6) "Санглох"нинг қисқа шакли ушбу луғат таркибидаги сўзлар мавзу гуруҳларга ажратилиб таҳлил қилинган.

Бу ишлар қаторига яна эски ўзбек тилида ёзилган асарлар лексикаси тадқиқ қилинган диссертация, шунингдек Навоий асарларига тузилган луғатларга яқин турувчи, лекин бошқача мақсадлар билан тузилган луғатларнинг лексик-семантик жиҳатдан ўрганишга бағишланган тадқиқотларни қўшсак эски ўзбек тилига бағишланган тадқиқот ва илмий изланишларнинг умумий манзараси ойдин бўлади.

Алишер Навоий тили бўйича қуйидаги ишлар қилинган:

Бош сўз. Луғат мақолалардаги бош сўз мисолларда келган шаклларида берилган. Масалан: б и л г у л у к - абжад бо сининг касри, порсий коф ва ломнинг замми билан "бирор киши ўзини одамларга танитганда бўлади, яъни "таникли, белгили" яна "билувчи, огоҳ" маъноси ҳам бор. Шундан сўнг шеър берилган.

XVI-асрда Румий, XVIII-асрда Махдийхон, XX-аср бўсағасида Фатҳали Қожор ҳам ўз луғатлари учун Навоий асарларидан фақат туркий сўзларнигина ажратиб олиб, уларни изоҳлашга асосий эътиборни қаратганлар. Шунинг учун ҳам бу луғатларни "эски ўзбекча-форсча" ёки "эски ўзбекча-усмонли туркча" луғатлар деб атаса ҳам бўлади.

Туркий сўзлардан ташқари "Луғати атрокийя"да мўғулча сўзлар ҳам бор. "Санглоҳ"да ҳам мўғулча сўзлар анчагина. Лекин Фатҳали Қожор эски ўзбек тилига кириб алақачонлар ўзлашиб кетган бу хил сўзларга кўпроқ эътибор берган. Улар қуйидагилар: а д ы р ғ а н, а л б у т у, а л а н ч и к, о р к а с у н, о ч у н ч ы, у с у н, д а б у с у н, д а л у, д у л а й, т о с у н, й а с у н, н а й м а н, м у с у п, м о р, к о к а н, к а й а н, к а р ш ы, қ ы н ы қ.

Навоий замонидаёқ кўпчилик мўғулча сўзлар эски ўзбек тилига сингиб кетган эди. Уларнинг мўғулчаллиги сезилмай кетган. "Луғати атрокийя"даги мўғулча сўзлар: о г у л г а, а л п а қ / о л б о н /, ы л б а р а м а қ, о л ж а, а л д а р а м а қ, ы л ғ а в ч ы, о л к а, а р ғ а д а м а қ, ы р ғ а й, б у р т а ғ / к /, ч у м ч а, ч ы р а й л ы ғ, д а р у ғ а.

Эски ўзбек тилида мавжуд бўлган мўғулча сўзларга Навоий асарларига луғат тузган ҳамма луғатнавислар қатта қизиқиш билан қараганлар. Чунки бундай сўзлар араб ва форс тилларини ўз она тилидек билган ўқинишли кишилар учун маълум қийинчилик туғдирган. Фатҳали Қожор луғатида ҳам Навоий асарларида учрамайдиган мўғулча сўзлар бор. Бундай сўзларнинг манбалари бизга қоронғу, чунки "Луғати атрокийя"да бу ҳақда ҳеч нарса дейилмади. Лекин Б.Хасановнинг тадқиқотида манбаи номаълум мўғулча сўзлар "Санглоҳ"да ҳам учраши ҳақида гапирлади. Бу ҳолни зикр қилинган икки луғат учун манбаларининг умумий бўлгани билан тушунтирмак керак. Шунда луғатнавис у ёки бу сўзни ўзидан олдинги луғатдан кўчириб олган деган фикрга ўрин қолдирмаган бўламиз.

Хар қалай Фатҳали Қожорнинг қўлида мўғулча сўзлардан анчагина йиғилиб қолган кўринадики, у ҳатто мўғул тилидан эски ўзбек тилига кирган сўзлар учун махсус луғат тузиш нияти борлиги ҳақида гапирди (10, 9 б. в):

"1274 йилда шоҳ даргоҳининг гўшаси бўлиб юрган кезим эди, олиму уламолар қибласи қутлуғ ҳумоюн шаҳриёр ҳазрат илохий руҳи ва руҳлар оламининг сояси истак амрларини маълум қилдиларки, уларнинг муборақ назарлари Амир Низомиддин Алишернинг таълифотларига тушиб турарди. Шунинг учун ўзига вожиб деб билардики, Навоий асарларидаги чигатой ва уларда тез-тез учраб турадиган мўғулча сўзларга ҳам китоб ёзилса, шаҳзодалар наввобию давлат аминларидан баъзилари ҳам Амирнинг таснифотлари ва чигатой луғати хусусида шундай хоҳиш билдириб, ўшандай луғат китобини ёзсанг, деб буюришди".

Фатҳали Қожорнинг қўлида "Мўғулча-эски ўзбекча луғат" учун тайёр материал бўлгани аниқ, лекин афсуски, бундай луғат ёзилгани ҳақида қўлимизда ҳеч қандай маълумот йўқ.

Сон жиҳатдан мўғул сўзларидан кейин арабий сўзлар туради. "Луғати атрокийя"да арабий эканлиги қайд қилинган сўзлар қатори белги-ланмаганлари ҳам учрайди. Масалан: х а қ, ғ а л а қ а, х ы н а, х ы - н а л ы ғ, қ ы р а н, қ у р у н, ҳ а р и ш, қ у р а й ш ы, қ а й л ы / қ а й - л а /, л а ф а д а н, р а ф а д а н, м а д х а л, м а х а н и қ / м а х а : н и қ /, м а н т а л, м ы с ы р т а в у қ ы.

Тил софлиги ҳақида гапирганда, одатда, араб уламоларининг ўз тилларининг софлиги йўлида ўта жонкуярлик қилишлари мисол қилиб кўрсатилади. Ҳақиқатда ҳам араб уламоларининг қадим замонлардан то ҳозирги кунгача шундай ҳаракати тўғрисида араб тили нисбатан тоза сақланган. Баъзи чет сўзларининг арабча муодиллари топилмаган тақдирда ҳам, улар шу даража арабийлашган бўладики, бундай сўзларнинг чет сўзими ёки арабчами ажратиб олиш жуда мушқил. Масалан: х а в о қ и н, х а в о т и н, с у ф р а ж и й каби қатор сўзларнинг асли хитойча ёки туркчалигини аниқлаб олиш кишидан анча филологик билимлар талаб қилади.

Юқоридаги сўзларга разм солинса, уларнинг арабий сўзлар экани бирдан сезилмайди. Чунки уларда араб сўзларига хос белги ва хусусиятлар яққол кўзга ташланмайди. Аксинча уларнинг тузилиши ва товуш таркибида туркий тилларга хос белги ва хусусиятлар мавжуд. Масалан: х ы н а, қ ы р а н, қ у р у н каби сўзлар таркибида ы, у ва а унлиларининг бўлиши уларнинг арабча х и: н а: , қ и р а: н в а қ у р у: н сўзларига бориб тақалишини киши ҳаёлига ҳам келтирмайди.

"Луғати атрокийя"да арабий сўзлардан ташқари форсий сўзлар ҳам талайгина. Форсий сўзларнинг бир қисми қайд қилинган, бошқалари белги-ланмаган. Қуйида улардан бир нечтасини келтирамиз: а б д а н / а б а д а н, а р м а н, а р м а н л ы ғ / форсча-туркча /, ч а х, ч ы д а, ч у ғ у л, т а п, к а п а п а қ, к а р а қ, қ у л у ф ч а, м у ч а қ, м у р д а ч а ғ а ч ы.

Арабий ва форсий сўзлардан бўлак "Луғати атрокийя"да яна туркий тиллар гуруҳига тегишли бўлмаган ҳинд, барбар, копт, грек, испан, сурия, грузин, лазгин тилларидан кирган сўзларни ҳам топиш мумкин.

Наботот, ҳайвонот номлари "Луғати атрокийя"да жуда кўп келтирилган бўлиб, булар ҳизикарли кузатишлар учун асос бўлади. Наботот номларининг деярли ҳаммаси румий тилида бўлиб, ҳайвонот номлари эса келиб чиқиш нуқтаи назаридан умумтуркий асосга эга. Наботот ичида кўпроқ дори-дармон ва гиёҳ номлари учрайди. Шундан келиб чиқиб усмонли турк тили ўша даврларда илмий истилоҳлар, яъни атамалар учун манба вазифасини ўтаб келган, десак янгилимаган бўламиз. Наботот ва ҳайвонот номларидан мисоллар келтирамиз: и г д и ч / ш /, и л - б а с у н, ы м ғ а, а н у қ, и н а н, б а д а қ, б а д а н у с, б а з а қ, б а ғ л а н қ а з, б а ғ р ы қ а р а, б а л ы ғ, б а й қ у ш, п у п у ш, б у д а н а, б о р и, б у л ғ а н, т а ш б а қ қ а, ч а ғ у р т қ а, қ а п - л а н, к о с а м, к и п р и, м а р а л, й а ш и л б а ш.

Фатҳали Қожор ўз луғатига юқорида санаб ўтилган сўзлардан ташқари жуғрофий маълумотларни ҳам киритган. "Луғати атроқийа"нинг "Баҳжат ал-луғат" номи билан юритилган иккинчи нусхасининг тадқиқотчиси Ж.Тури "Луғати атроқийа"да жуғрофий номлар кўплигини такрорлайди. Бу нарса Қожор китобини жуғрофий номлар энциклопедияси даражасига кўтарди. А.Ромаскевич "Новый чагатайско-персидский словарь" мақоласида (15) Ж.Турининг ҳайратланишини муболағали деб билади, лекин шунга қарамай, "Луғати атроқийа"да бошқа манбаларда учрамайдиган ёки кам учрайдиган маълумотлар ҳам борлигини тан олади. У ана шундай жуғрофий номлардан баъзиларини санаб ўтади:

Ай тугды - Кобул ноҳиясида бир жой номи, (31 а.в.), Ақрай (Ақсарай бўлиши керак) - Татарлар маскани Қиримда бир вилоят номи, (35 б.в.), Оба - Хиротга қарашли бир қасаба, (38 а, 39 б.в.), Ўланг - Ҳазора тоифасининг маскани Кобул билан Қандаҳор орасида жойлашган бир ер номи, (50 б.в.), Ыпа қ о р у г ы (Ы п а р қ у р у г ы бўлиши керак. "Санглох"да Ы п а р қ у р у қ ы ҳам тўғри) - Самарқандда бир қасаба номи, (65 б.в.), Ы л а н о т ы - Самарқандга қарашли бир жой номи, (82 б.в.), Б а й ғ ы с - Б о д ғ ы с нинг ўзгарган шакли, (90 а.б.в.), Й о л қ о р п и - Ироқ билан Хуросон чегарасида жойлашган Хавор ва Самнон вилоятлари орасидаги бир кўприк номидир (400 б.в.).

Қадимий ёдгорликлар, айниқса, тарихий асарларда кўлаб учрайдиган қабила ва халқ номларини тўғри ўқиш ёхуд ақалди идентификация қилиш ҳали бизда йўлга қўйилмаган иш бўлиб келмоқда. Ҳолбуки, аждоқларимиз қадим замонлардан бошлаб халқ, қабила, турли элатлар номларини луғатларда қайд эта бошлаганлар. Навоий луғатлари, хусусан, "Луғати атроқийа"да ҳам халқ, қабила ва элат номларини анчайин учрайди. Қуйидаги номлар турли соҳа мутахассислари учун қизиқарли бўлади деб ҳисоблаймиз: У ч а қ, А ч а м а й л ы, О т а ч ы х а т а й, О д а м и ш, О т у з и к и, А қ а р, Ы л ғ а й, А р л а т, У р у м, И ш т а қ, Б а л ч у т, Б у з а ч ы, Б о з у қ, Ж а в д у р, Ж и ж а в у т, Ж а л а й, Ч о м у ш л у, Х а т а й, Ч а н а ғ /к/, С а р, Т а т, Т а к к а, Т о р т у л у с, Т о р ғ у д, Т у р ғ а қ, Д у р м а н, Қ а т а ғ а н, Қ а қ ш а л, Қ а р а в у л, Қ а р а в у н а с, Қ а й ы, Г а р а и т, Л а ч ы н, М а л а ш, М и н г, С а р ы п у с т ы н, Ш ы б а н, ш о р, Й у в а, Й у з.

"Луғати атроқийа"да турк қабила ва элатларининг расм-русум ва одатлари билан боғлиқ маълумотлар ҳам келтирилган. Уларнинг энг муҳимларини А.А.Ромаскевич ажратиб олиб, ўз мақоласида келтирган. Биз уларни таржима ҳолида келтиришни маъқул кўрдик.

Базм расми ҳақида (63 а.в): "Чигатой элининг расми шундай: товук ё кўй ёки баррани бирор жўра боши истаги билан кишига илтифот юзасидан улуш қилинса, унинг қанотлари (оёқлари) таом устида бўлмоғи керак. Агар унинг қаноти (оёғи)ни беришни истамаса, пиширилган нарсанинг бошқа аъзосини берса, гўёки у бояги кишига сира илтифот қилмаган бўлади ва мажлис раисини ҳасис, пасткаш санайдилар, ҳамда ўша таомга илтифоту эътибор қилмайдилар".

Т о р а: ва маълумки, туркларнинг қоидалари бўйича шундайки, агар базмида бирор кишига пиёлада май берилса-ю, ундан томса, қайтариб яна тўққиз пиёла, агар тўқилса, ўттиз пиёла қуйиб берилади".

Киши номлари ҳам "Луғати атрокийя" муаллифининг назаридан четда қолмаган:

А баға, Итбарақ, Атабағ, Идикут, Атсыз, Ағбуға, Ағбэй, Аксонқур, Оғуз, Оғатай, Алайонтлы, Алпарслан, Олчайгу, Илдуз, Алғу, Илхан, Илак, Аланча, Аланчик, Аланкава, Инанч, Арпа, Арығ, Арғун, Арран, Ай, Айаз.

Бучағ, Бату, Буғ /к/ а, Бығу, Буғра, Буғрат, Бэкташ, Барақ, Бартас, Байат, Байду, Байғыз, Байандар, Буйруғ /к/.

Чавдур, Чочы, Чағатай, Жин, Жингиз.

Диб бакуй, Татар, Тағ, Тоғажар, Ток/х/ тамыш, Тағмач (Тамғач), Тократ, Тоғрул, Такин, Такаш, Толы, Далайлама, Тэмур, Тэнгиз, Тур, Торғай, Турк, Тайшы, Субуктагин, Салжук, Салур, Саман, Санжар, Сантай, Шы/и/ дурғу.

Қабжақ, Қубала, Қутлуғ, Қынық, Қонғур, Қарахан, Қарасонқур, Қаран, Қай, Қайду, Ғ/К/азан, Гун, Курган, Йулдуз.

Грамматик нуктаи назардан "Луғати атрокийя" таркибидаги сўзларни сўз туркумлари бўйича ажратиш мумкин. Сон жиҳатидан биринчи ўринда бошқа луғатларда бўлганидек феъллар туради. Феъллар "Луғати атрокийя"да - мак/ мак масдарлик ва феъллик аффикслари орқали берилган:

ардилашмақ "отга мингашиб ўтирмақ", арғарамақ "фириб бермоқ, бопламоқ", айтышмақ "айтишмоқ, суҳбат қуришмоқ", азйавасанг "камроқ бер", барай "бораман, борай", батты "чўкди, ботди (масалан, кун)".

Сон жиҳатидан отлар иккинчи ўринда туради: тан, қылык, қылыкым, туп, кўп, кумуш, ай, ташқа, кокка, йафрағыны, конггуна.

Сифатлар: улуграк, кичик, йахшы, кок, сап-сарығ, ачығ, ақымтул, йырак, қып-қызыл.

Сонлар: бир, ики (икки), он, йуз, бэшава, учала, йузар.

Олмош: ул, мэн, сэн, бу, мунда, нэча, нэчук.

Сифатдош: турған, буйурған, йапқан, учқан, комган, дэган, болмыш, қылмыш, кормиш, бэргучи, алғучы, сачар, билур.

Равиш: асру, бурна, тангла, кэйин. Равишдош: уруп, олтуруп, качып, барып, кэлиб, тармашыб, ундаб, кэлибан, барыбан, айлабан.

"Луғати атрокийя"да қуйидаги ёрдамчи сўзлар учрайди: узра, би /р/-ла, йокса, киби, танглығ, -му, -ла /ла. "Абушка" ва "Луғати

атрокийя"да сўзларнинг луғавий сийғалари билан бирга грамматик шаклларнинг ҳам мавжудлиги бу луғатга тадқиқотчиларнинг алоҳида эътиборини торттиб келган. Масала, "Абушқа"да сўзлар алифбо тартиби билан жойлашган дейилганда, бу луғатнинг сўз жойлаштиришдаги ўзига хос хусусияти назарда тутилади. Чунки, агар Румий луғатининг алиф ҳарфи остидаги "ал-ба: ал-мафту:ха боби"даги сўзларнинг бир нечтасини олиб кўрадиган бўлсак, бу сўзлар каторида алифбе тартиби фақат сўзларнинг биринчи ва иккинчи ҳарфлари бўйичагина тартибга солинганини тан олдирганимизга тўғри келади: а б у ш қ а, а б а ғ а, а т, а т а л д ы, а т қ а д ы, а т а п, а т а ғ ы м

Сўзларнинг бу каторида тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра алифбе тартиби бузилмаган, чунки бу ерда ҳамма сўзлардаги биринчи "а" аслада икки алифни ифодалайди. Шундай бўлгач, мазкур сўзлар уялаш усули асосида алифбе тартибига солинган дейиш тўғри бўлади (22, 18). "Луғати атрокийя" ўзининг кўп хусусиятлари билан "Абушқа"га ўхшагани учун олимлар бу икки луғатни бир луғатнавислик мактаби ёки йўналишига киритадилар. Бу жуда тўғри, лекин шундай бўлса-да, "Луғати атрокийя"нинг сўзлиги хусусида юқорида қайд этган бўлишимизга қарамай, А.А.Ромаскевичнинг бу хусусдаги фикрларини келтирамиз, токи, биз "Луғати атрокийя"нинг шу томонига берган баҳойимиз ягона эмаслиги аниқ кўриниб турсин: "В словарь вошли все слова, встречающиеся в произведениях Навои, т.е. не только основные формы, но и производные со всем разнообразием словоизменяющими суффиксами, поэтому автор расположил слова в алфавитном порядке только первых двух букв, имея в виду лишь основу, так как при дальнейшей дифференциации алфавитного порядка явилось бы возможность вхождения в алфавит и букв, принадлежащих указанному суффиксам, что для малоподготовленных людей, по словам автора, стало бы источником затруднений. Ввиду этого весь материал разбит, во первых, на главы /ба:б/, соответствующие вторым буквам; исключение составляет глава слов, начинающихся с алифом, где принцип алфавитного порядка вторых букв совершенно не соблюден..."(15,92).

Демак "Луғати атрокийя"да алифбе тартиби бузилган.

ЛУҒАТДА ТАЛАФФУЗ ВА ИМЛО ҚАЙДЛАРИ

"Луғати атрокийя" устида озми-кўпми, каттами-кичикми илмий тадқиқот иши олиб борган олимларнинг барчаси ушбу луғат муаллифи сўзларнинг ўкилиши хусусидаги фонетик ва имловий қайдлардан жуда моҳирона фойдалана олганини юксак баҳолайдилар. Луғатнинг биринчи тадқиқотчиси Ж.Тури нафақат мазкур қайдларнинг ўринли ишлатилгани, балки, умуман, луғатни мактаб, уни журғофий номлар энциклопедияси деб атайди.

А.А.Ромаскевич ва ундан кейин Б.Ҳасанов ҳам мазкур масалада ҳам-фикрлар.

А.К.Боровковнинг "Лугати атрокийя" хусусидаги куйидаги сўзлари диққатга сазовор: "Несомненные достоинства словаря Фатхали-хана - большая полнота (словарь включает почти восемь тысяч слов, вернее - слов и форм), достаточная аргументированность, поскольку он постоянно стремился привлечь подвѣрительные ссылки из сочинений Навои, и, наконец, попытка установить правильное чтение каждого данного слова. Фатхали-хан систематически сопровождает каждое слово надстрочными и подстрочными знаками и пояснениями для правильного чтения" (3,52).

Фатхали Қожор ўз лугатида сўзларни тўғри ўқишга қаратилган фонетик қайдларини кўриб чиқамиз ва шу йўл билан юқорида номлари тилга олинган олимларнинг "Лугати атрокийя"га берган баҳолари қай даражада тўғри эканини аниқлашга уриниб кўрамиз. Бунинг учун аввало шарқ лугатлари, хусусан, Навоий лугатларида фонетик қайдлар деганда нималарни тушиниш кераклигини аниқлашимиз зарур. Буни аниқлашнинг аҳамияти жуда қатта, чунки буларсиз XV-XIX асрларда яратилган юзлаб лугатлардан фойдаланиб бўлмайди.

Гапни унлилардан бошлаймиз. Эски ўзбек тилида Навоийнинг ўзи тадқиқ қилиши бўйича ўн унли фонема мавжудлиги маълум: а, а, а:, и, ы, э, о, у, о, у. Уларни тўққизта дейиш эски ўзбек тилидаги соф туркий сўзлар эътибори билан айтилган. Аммо эски ўзбек тилида арабча ва форсча сўзлар жуда кўп бўлиб, агар булар фонетик таҳлил қилинадиган бўлса, эски ўзбек тилидаги унлилар сони яна иккитага ортиши керак бўлади. Буни эски ўзбек тилининг биринчи тадқиқотчиси Алишер Навоийнинг "Муҳокамат ал-лугатайн"идан топил мумкин. Шоир товушларнинг қиёсий таҳлили учун форс тилини эски ўзбек тили қаршисига қўяди. Масалан, "вовий" ва "йойий" сўзлар ҳақида гапириб Навоий ушбу икки ҳарф ёрдамида ифодаланадиган унли фонемалар ҳақида ёзади:

"Маъруф ва мажхул (маъруф ва мажхул терминлари хусусида тубанроқда сўз юритамиз) қофияда вовий йойий ҳамки, форсий ашғорда воке бўлур, икки ҳаракадин ортуқ бўлмас. Ва вовий андоқки, хол-у дул ва зор-у нур. Ва йойий андоқки, би:р-у ш э р. Ва туркий алфозда бу маълум ва мажхул ҳарака тўрт навъ топилур: ҳам вовий, ҳам йойийси" (19,117).

Ана шундан кейин Навоий вов ҳамда йо ҳарфлари ифодалаган товушлар хусусида батафсил баён қилади: "Вовийси андоқки, о тки, шайий муҳриқдур, о т мурур маъниси биля ва у т мукаммарга бурд жиҳатидин амр ва у т ки, боридин арақ ҳаракадур, қаллани отқа тутуп тукин аритур маънодадур. Йана бир мисол т о рки, домдур, йана т о рки, андин дақиқракдурки, куш ўлтурур йағачдур. Ва т о рки андин дақиқракдур, уйнинг тўриқдур. Ва т у р ки, барчадин ариқдур тўрлуғни йо эшиқни турмак уйдур" (19, 117).

Шундай қилиб Алишер Навоий эски ўзбек тилида вов ҳарфи билан ифодаланадиган товушларнинг тўрт тури борлиги ҳақида гапиради:

у - орқа қатор лабланган унли

о - орқа қатор лабланган унли

- у - олд қатор лабланган унли
- о - олд қатор лабланган унли

Юқорида келтирилган иқтибосдан маълум бўлишича, "Муҳокамат ал-луғатайн"да у, у, о, о фонемаларининг ҳар бирига мисоллар ҳам келтиради. Бу мисоллар "Луғати атрокийя"да ҳам бор учун уларни бу ерда келтиришни жоиз деб билдик, чунки иқтибосда сўз маънолари ҳамма учун бирдай тушунарли бўлмаслиги мумкин:

- о т "слов"
- о т "ўтмоқ" феълининг буйруқ шакли
- у т "киморда ют" маъносида
- у т "қаллани куйдир" маъносида
- т о р "ов тўри"
- т о р "уйнинг тўри"
- т у р "қуш қўнадиган ёғоч"
- т у р "эшик ёки ойна пардасининг тўри"

Алишер Навоий шу йўсин билан эски ўзбек тилида йо ҳарфи учта фонемани ифодалашини айтиб уларга ҳам мисоллар келтиради:

- и - олд қатор лабланмаган унли
- э - олд қатор лабланмаган унли
- ы - орқа қатор лабланмаган унли

Буларга мисоллар:

- б э з "без"
- б и з "биз"
- б и: з "бигиз"
- т э р "термоқ"дан амр
- т э р "тер"
- т и: р "стрела"

"Муҳокамат ал-луғатайн"да ы нинг берилмагани ва э фонемасининг тор экани ҳақида А.М.Шербак анча чуқур фикрларни изҳор қилган: "Как же объяснить использование слова "т э р" - "пот" в качестве примера на твердоярдный вариант произношения яйи ма'руф? Сам Навои указывает, что т э р в значении "пот" произносится уже, чем т э р - "собирать". Следовательно, гласный в этом слове был довольно узким, закрытым. А предельно закрытый э в положении перед р подвержен большой редукции и акустически может быть воспринят как ы."

Итак, есть достаточные основания считать, что Навои хорошо различал четыре варианта произношения ва:в / о, о, у, у / и три варианта произношения йа:/ и, э, ы /, несмотря на то, что акустическое разграничение последних в некоторых позициях было затруднительным".

"Муҳокамат ал-луғатайн"да а ва а унлилари хусусида маълумот йўқ. Аммо эски ўзбек тили хусусан, Навоий тилини аруз илми эътибори би-

лан тадқиқ қилган олимлар бу икки унли билан бирга эски ўзбек тилида а: фонемаси, яъни к о р, т о р, к и т о б, н о з каби сўзлардаги ҳозирги о товушининг мавжудлиги ҳақида гапирадилар. Жумладан, бир фикр бўйича, а: фонемаси XV аср ўзбек адабий тилида, юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, тожик тилидан ўтган сўзлар туфайли пайдо бўлган. Бу даврда баъзи туркий сўзлардаги а нинг а: га томон силжий бошлаганини кўрамиз. Шеърдаги вазн ва қофия ҳозирги б о ш, б о р, к о р каби сўзларнинг у даврда б а ш, б а р, к а р тарзида ҳам б а: ш, б а: р, к а: р каби талаффуз этилганидан далолат беради.

Шундай бўлгач, илмий кузатишларимизда мазкур а: фонемасини эътиборга олмасак, Навоий тилидаги вокализмни тўлиқ акс эттирмаган бўламиз. Мана шу эътиборсизлик туфайли, Навоий ва ундан кейинги давр асарларини транскрипция ёки транслитерация қилишда кўпол тартибсизликлар вужудга келмоқда. Шундай қилиб, эски ўзбек тилида ўнта унли бор. "Луғати атрокийя" ва Навоий луғатларининг қолган учтасида эса а: фонемаси йўқ. Шундай қилиб уларда фақат қуйидаги тўқ-қиз унли товуш қайд қилинади: а, а, у, о, о, и, ы, э.

Маълумки, араб ҳарфлари эски ўзбек тилидаги товушларни ифодалаш учун камлик қилади. Шунинг учун луғатнавислар алифбедаги мавжуд унли ҳарфларни турли комбинациялар орқали ифодалашга ҳаракат қилганлар.

а ва а унлиларини ифодалаш усуллари

Алиф ҳарфи ҳамма вақт а ёки а товушларини ифодалайди. Бир неча мисол: а с р а б а н, а б а ғ а, а н а г а, т а м ғ а, а с р а м а қ, у р м а қ, т у т м а қ, ч а п м а қ, қ ы л м а қ, қ ы л м а ғ л ы қ, б э л а м а қ, б э л г и, к у л м а қ, к у л г у, о п м а қ, к о м м а қ.

Келтирилган мисоллардан кўринишича алиф ҳарфи қуйидаги ҳолларда а товушини ифодалайди:

1. Биринчи бўғинида а унлиси бўлган сўзларда: а с р а б а н, а б а ғ а, т а м ғ а, а с р а м а қ; Бундай сўзларнинг ўзаги доимо қаттиқ бўлади.

2. Таркибида у, о унлилари бор ҳамма сўзларда: у р м а қ, т у т м а қ, т о з м а қ, т о қ м а қ, т у з а қ.

3. Таркибида к, ғ ундош ҳарфлари бўлган ҳамма сўзларда: у р м а қ, қ и л м а ғ л ы қ, т у з а ғ, б у з а қ, т у п р а қ, т о ғ р а м а қ.


Қуйидаги белгилари бор сўзларда алиф ҳарфи а унли товушини ифодалайди:

1. Биринчи бўғини э ли сўзларда: б э л г и, б э л а м а қ, б э з, б э з м а қ, б э з г а қ.

2. Таркибида о, у унли товушлари бор сўзларда: к у л м а қ, к у л г у, о п м а қ, к о л м а қ, к о м м а қ.

3. Таркибида к ва г ундошлари бор ҳамма сўзларда: а н а г а, б э л а м а қ, б э л г и, к у л м а қ, к у л г у, о п м а қ, к о м м а қ.

28005



Алишер Навоий асарлари учун тузилган лугатларда ҳам туркий тиллар ва форс тили бўйича тузилган лугатларда бўлгани каби товушлар системаси ва уларнинг характеристикаси учун қўлланадиган атамаларни ишлатишдаги бош мезон араб тилида шу соҳа бўйича қабул қилинган қонун-қоидалардир. Хусусан, юқоридаги сўзларнинг ҳаммасида араб тилининг имло қоидалари бўйича алиф ўрнига ф а т ҳ а (Навоий тили лугатларида ҳозирги ўзбек ва форс тилларида қўлланиб келаётган ф а т ҳ а маъносидаги з а б а р ишлатилмайди) деб аталувчи белги кўйилиши керак эди. Шунда ўша сўзлардаги алифга тегишли ҳамма қоидалар ҳам фатҳага алоқадор бўларди. Аммо туркий тилларнинг фонетик қурилиши унинг ўзига хос имло қоидалари бу қоидага бироз ўзгартириш киритишга мажбур қилган.

Эски ўзбек тилида фатҳа ўрнида алиф ёзилади ва у ингичка ҳамда қалин а товушларини ифодалайди. Баъзи ҳолларда а товушининг қалин варианты учун а л и ф м а м д у д а в а а л и ф м а қ с у р а атамалари ҳам қўлланади:

а л и ф, қ о ф, ч и м, ҳ о - би-алиф мақсура ва сокини ка:ф ва ч и м и порси ва ҳ а; яъни а қ ч а;

т е, а л и ф, б е, а л и ф қ о ф - би алиф мақсура, яъни т а б а н;

а л и ф, н у н, т е - би алиф мамдуда, яъни а н т.

Баъзи ҳолларда алифнинг а товушини ифодалашини аниқ кўрсатиш учун би - ф а т ҳ и а л и ф ишораси ҳам қўлланган: а л и ф, р о, б е, а л и ф, ғ а й н - би фатҳи алиф, яъни а р б а ғ

Би-фатҳи алиф ишораси билан келган сўзда ингичка а бўлади:

а л и ф, р о, қ о ф - би-фатҳи алиф, яъни а р к.

Мисоллардан кўриниб турибдики, бундай ишора а ни факат туркий бўлмаган, яъни арабий ёки форсий сўзлардагина ифодалаш мумкин. Демак, ушбу мисолдагидек юмшоқ а товуши бор сўзларни юмшоқ ўзакли сўзлар қаторига киритсак ҳато қилмаган бўламиз. Бироқ XV аср манба ва матнларида, хусусан, "Лугати атроқийа" учун жалб қилинган Навоий асарларида ҳам бундай сўзларга эски ўзбек тилига хос аффиксларнинг қаттиқ вариантлари кўпилиб келиши мумкин. Бундай ҳолларда мазкур сўзларни транскрипция қилишда мушқиллик туғилади, кўпчилик тадқиқотчилар а ўрнига а ёзади. Чунки шундай қилинмаса, масалан, а л а м сўзи аффикслар қабул қилгач а л а м н м ғ а деб ёзилса, уйғунлик бузилади. Уйғунликнинг бузилиши эса а - а нинг мустақил бўлмаслигига далилдир. Ҳақиқатда эса XV аср ўзбек адабий тилида а юмшоқ ўзак ҳосил қилиб, а ва а: товушлари, асосан, қаттиқ ўзак ҳосил қилади. Таркибида қ ва ғ товушлари бўлган а унлиси, сўз охирида к товуши бўлган а: ли сўзларга ҳам аффиксларнинг юмшоқ вариантлари кўпилади (16, 15).

у, у, о, о унлиларини ифодалаш усуллари

Бу унли фонемаларнинг ҳаммасини ифодалаш учун вов ҳарфи қўлланилган, агар улар сўз бошида бўлса, унда вов ҳарфи олдига алиф ҳарфини ҳам ёзиш лозим бўлган. Қолган ҳолларда вов ҳарфининг ўзи кифоя қилган. Мисоллар:

сон г а к, ул ус, ур ма қ, то қ ма қ, бо ғ уз, то қ ў з, то ку с, уч ма қ, турт ма қ, туг ма қ, ок сут ма қ, ок су к, му ш у к, уч у қ, то ғ ра ма қ, туг ма, му гу з.

Келтирилган мисолларга қараб, в о в ҳарфи қайси ҳолларда қайси унли товушни ифодалашини кузатиш мумкин. Улар қуйидагилардир:

у, о унлилари:

1. Таркибида қалин унлилардан бири ёки қаттиқ ўзақли сўзларда келади: у р ма қ, ул ус, то қ ма қ, то қ уз, уч у қ.

2. Таркибида к, г ундошлари бор сўзларда: бо ғ уз, то қ уз, то қ ма қ, то ғ ра ма қ.

у, о унлилари:

1. Юмшоқ ўзақли ёки таркибида ингичка унли бор сўзларда: т у р т ма қ, т у г ма қ, т у г ма, ок су т ма қ.

2. Таркибида к, г товушлари бор сўзларда: ок су к, му ш у к, му гу з:

Вовли сўзларни тўғри ўқиш учун, бу қоидалар етарли эмас. Бу қоидаларнинг нуқсли томони шу ердаки, о, у ёки о, у жуфтларида қайси бири қай ҳолда айтилиши кераклиги ноаниқ қолади. Бундай ҳолларга аниқлик киритиш учун эски ўзбек тили бўйича луғат тузувчилар кўп бош қотирганлар. Натижада қўшимча фонетик қайдлардан фойдаланишга мажбур бўлганлар. Шу йўсин таркибида вов ҳарфи бор сўзлар учун улар яна ўша анъана бўйича з а м ёки з а м м а (Бу атаманинг форсча "пиш" номи луғатнавислар томонидан қўлланмаган) деб аталувчи фонетик атамани қўлланган. Масалан:

а л и ф, в о в, р о, в о в, к о ф - би-з-зам, яъни о р у к

а л и ф, в о в, р о, в о в, қ о ф - би-з-зам, яъни у р у к.

Лекин бу атама ҳам у, у, о, о фонемаларини аниқ ифодалаб бермагани учун яна бир усулни кашф қилганлар. Араб луғатнавислигидаги бу усул Навоий луғатларида қўллана бошланган. Бу усулнинг эски ўзбек тили учун моҳияти шундан иборатки, у туфайли мазкур тўрт фонемани о - о ва у - у қарама-қаршиликда кўрсатиш мумкин. Биринчи бўлиб Навоийнинг ўзи орқа қатор у - у унлилари учун маъ р у ф ҳ а р а к а, о - о унлилари учун эса ма ж ҳ у л ҳ а р а к а терминларини ишлатади. Алишер Навоийнинг "Муҳокамат ал-луғатайн"ида у - у, о - о қарама-қаршилиги О.Усмонов томонидан жуда қулай ва ихчам жадвалда берилган (19, 119). Жадвал ҳозирги кунда ўта камёб нашр ичида келти-

беҳабар бўлгани учун эмас, балки мазкур асар туркий ва форсий тил муҳокамасига бағишлангани туфайли улуғ шоир атайлаб форсий муаллифларнинг атамаларини қўллайди. Бу жуда тўғри. Агар шу тарзда фикрлашда давом этадиган бўлсак, унда Ҳаравий ўз мақсадига тўғри ва тез элитадиган йўл, яъни араб филологларининг тарих синовларидан ўтган текис йўлини танлаган. Ҳар ҳолда Толе Ҳаравий Алишер Навоий ёки Хусайн Байқародан гина қилган ёки улардан хафа бўлган дейиш тўғри бўлмас.

Бу Б.Ҳасановнинг "Бадойи ал-луғат" тузилаётганда Навоий ҳали "Муҳокамат ал-луғатайн"ни таълиф қилмаган эди, деган фикрини ҳам тўла тасдиқлайди (23, 23). Шундай бўлгани аниқ, чунки аке ҳолда "Бадойи ал-луғат"нинг муаллифи с ы п қ а р м а к, и н г р а м а к каби юз феълни маънолари билан бирга Навоийнинг рисоласидан олиб қўя қолиш (23, 23) баробарига "Бадойи ал-луғат"да ёки ўзбек тилига хос бўлмаган талаффуз нормаларининг бузилиши тез-тез учрамас эди (3,16-17).

Хуллас, Толе Ҳаравий "Бадойи ал-луғат"ни тузишда унчалик ғайрат кўрсатмаган, лекин ўта билимдон бўлгани учун ўзини-ўзи зўрлаб бўлса ҳам луғатнавислик амалиёти қоидаларига тўла амал қилган ҳолда, араб луғатчилигининг анъаналарини Навоий тили луғатларига кўчирган. Бу улкан ишнинг натижаси ўлароқ икки асрдан сўнг Махдихон исми эўр истеъдод эгаси томонидан Навоий тилининг фундаментал луғати "Санглох" вужудга келди.

Энди "Луғати атроқийа"да қўлланган м а ъ р у ф в а м а ж ҳ у л атамаларининг манбаи ҳақида бироз гапирिशнинг ўрни келди. Навоий асарларига тузилган луғатларнинг манбалари бир хил бўлгани учун бизнинг истагимиздан қатъий назар уларнинг сўзликлари, маъно очиш усуллари, фонетик ва грамматик қайдлари ҳам ўхшаш. Шунинг учун баъзан ҳаттоки, А.К.Боровковдек туркий лексикология илми ва луғатнавислиги амалиётининг чуқур билимдони ҳам мазкур луғатларнинг бир-бирига муносабати тўғрисида сўз борганда, уларнинг баъзилари оригинал эмас, деган гаплар айтган. Б.Ҳасанов "Санглох" билан "Луғати атроқийа" ўртасидаги муносабат ҳақида гапирганда «Луғати атроқийа»га "Санглох" таъсир қилган деб ёзади. Тўғри, "Луғати атроқийа" муаллифи ўздан олдин тузилган луғатлардан кўп нарсани олган, лекин унинг ўздан ҳам олгулик нарсалар кўп. Фатҳали Қожор буни жуда аниқ сеза билмаган шекилли, айниқса, "Санглох"ни уч кун давомида кўриб чиққанда уни ўта тартибли луғат эканлигидан қойил қолади. Аммо буни кўрсатмасликка ҳаракат қилсада, ўрни-ўрни билан ўзи ҳам Махдихон усулларини қўлай олиш қурбига эга эканини намоиш қилади. Мана шундай кўз-кўз қила оладиган ишлардан бири луғат мақолалар ичидаги фонетик қайдлардир. Фатҳали Қожор, юқоридаги о, о, у, у товушлари учун луғатида жорий қилган м а ж ҳ у л в а м а ъ р у ф атамалари хусусида ҳеч нарса демайди. Лекин Навоий тилига тузилган бошқа луғатларга мурожаат қилган киши "Луғати атроқийа"даги бу атамани сезиб қолади. Яна бунинг устига луғатнавислар орасида товушларни тўғри ўқиш усуллари хусусида бўлиб

ўтган баҳсли ўринларни ҳам кўрсатиб бераётгандек туюлади. Ҳуқуқи ёки тадқиқотчи Навоий тилида қаттиқ ўзак-негизга қўшимчаларнинг қаттиқ вариантлари, юмшоқ ўзак-негизларга эса юмшоқ шакллари қўшишда ҳағоларга йўл қўйилганининг шохиди бўлади. Масалан, Махдихон муайян ўзакка керакли аффиксни тўғри қўша билмаган Толе Ҳаравий ва Фароғийни қойиб ёзади: "Шуни билиш керакки, шакллари вужудга келтирадиган элемент иккитадан ортиқ турга эга эмас. У ё қ о ф /к/ ва ғ а й н /г/ ҳарфли, ёки к о ф /к,г/ ли бўлади. Бу ҳар иккала тур ихтиёрий равишда хоҳлаган пайтда ишлатила бермасдан, эшитилишига қараб билиб ишлатилади. Гарчи Фароғий ўз асариди қ о ф ёки к о ф айтилиши ихтиёрий ва Толе Ҳаравий а л ғ у ч ы нинг маъноси ҳақида гапирар экан, актив сифатдошга ғ а й н ёки к о ф қўшиш ихтиёрийдир, дейишади. Масалан, қ ы л ғ у ч ы ва б и л ғ у ч и каби, деб ёзсаларди, буларнинг ҳар иккаласининг ҳам сўзи янглишдир. Чунки буйруқ шакли қ ы л қоғий бўлиб, унинг барча шакллари қ о ф ва ғ а й н билан ясади: қ ы л м а қ, қ ы л ғ а й, қ ы л ғ у ч ы ва ҳоказо, б и л эса қоғий бўлиб, унинг бошқа шакллари к о ф билан айтилади: б и л м а қ, б и л ғ а й, б и л ғ у ч и ва ҳоказо"(16, 26-27). Агар биз Фатҳали Қожор ҳам Навоий тилида мавжуд ушбу фонетик қонуниятни ўз лўғатида тўғри акс эттира олганми деб "Санглох" ва "Луғати атроқийа"даги қатор сўзларни солиштириб чиқсак. "Луғати атроқийа" муаллифи бу вазифани жуда яхши бажарганини кўрамиз:

урмақ	олмақ
айтмақ	тирилмақ
тутмақ	кулмақ
чапмақ	этмақ
сағьндурмақ	йэтмақ
қылмағлык	ичмақ
қоймақ	йэмақ
қылмамақ	йэткурмақ
қопмақ	сурмақ
йықылмағлык	тэкурмақ

"Луғати атроқийа" билан "Санглох" орасидаги ўхшашликлар кўп. Аммо тадқиқотчилар буни оддий ўзлаштиришга йўйишиб, ҳар сафар "Санглох" изидан бориб", "Санглох"дан олий" ибораларини ишлатишади. Ҳолбуки "Луғати атроқийа"да "Санглох"даги мавҳум ёки ҳатолар ойдинлаштириб ёки тузатилиб берилган. Афсус, буларга ҳеч ким эътибор бермаган. Бир мисол: Муҳаммад Махдихон "Санглох"нинг ы н г р а м а қ луғат мақоласида Румийнинг "Абушқа"сидати фонетик шарҳи ҳақида шундай ёзади: "ы н г р а м а қ ... Румий к о ф билан и н г р а м а қ шаклида келтириб айтадики, Навоий и н г р а м а қ ва с и н г р а м а қ сўзларини "Муҳокамат ал-луғатайн"да "охиста яширин дард билан йиғламоқ" деб тушунтиради. Шундан сўнг Румий мана бу шеърни мисол қилиб берган:

Истасам дард аҳлидин ишқингни пинҳон айламак,
Кэчалар гах инграмакдур одатим, гоҳ синграмак.

Мен фақир "Муҳокамат ал-луғатайн"ни кўрмаганлигим ва бу шеърнинг ўзини ҳам унинг девонларида учратмаганим туфайли ул ҳазратнинг фикрларини шубҳа остига олишга ожизман. Лекин бу сўзнинг бир "Девон"да га й н билан ёзилганини кўрганим учун Румлик муаллифнинг сўзларини эътиборга лойиқ кўрмай, сўзни қ о ф билан ёздим" (3, 73). Бу ҳолда ҳам Фатҳали Қожор кўлида "Муҳокамат ал-луғатайн" бўла туриб мазкур икки сўзнинг ёзилишида Фароғий ва Румий эмас, балки Маҳдихоннинг ўзи хато қилганини баралла айтиш ўрнига "Санглох" йўлини тутади. Шу билан у "Санглох" ва унинг муаллифи Маҳдихонга бу ўринда ҳам ишончи комил эканини намойиш қилади. Ҳолбуки, агар унинг кўлидаги "Муҳокамат ал-луғатайн" қусурли бўлмаса эди, (асарнинг нусхаси унда бўлганлиги "Луғати атроқийа"нинг кириш қисмидан маълум), юқоридаги икки сўзнинг юмшоқ ўзақли экани ва шунинг учун уларнинг ҳар иккиси -м а к аффикси билан ёзилгани (шундай ёзилгани О.Усмонов келтирган феъллар рўйхатидан маълум 19, 115) ҳақида бир қарра гапирмай қўймасди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо шунинг ўзи ҳам Фатҳали Қожор Маҳдихонни камситишга интилган дейиш хато эканлигини кўрсатади. Юқоридаги каби мисоллар Фатҳали Қожорни Толе Ҳаравий ва Муҳаммад Маҳдийхондан узоқлаштирамайди, аксинча уни уларга жуда яқинлаштиради. Чунки бу мисоллар ҳар уччала луғатнависнинг тили жанубий туркий тилларга бориб тақалишини кўрсатади.

Ана энди манзара тўлиқ бўлиши учун юқорида санаб ўтилган фонетик қайдларнинг "Бадойи ал-луғат", "Луғати атроқийа", "Абушқа" ва "Санглох"да қўлланишига мисоллар келтирамиз:

Фатҳали алиф боби бўйича:

алиф, қоф, чим, хо - /"Санглох"/ би-алиф мақсура, а қ ч а "пул" ўқилади.

алиф, ро, алиф - /"Бадойи ал-луғат"/ би-алиф мақсура, а р а "ўрта, ора" ўқилади.

алиф, ро, қоф - /"Бадойи ал-луғат"/ би-фатҳи алиф, а р к "қалъанинг энг юқори кўркам жойлари".

алиф, нун, те - /"Луғати атроқийа"/ би-алиф мамдуда, а н т "қасам" ўқилади.

Заммали алиф боби бўйича:

алиф, вов, чим, вов, қоф - /"Санглох"/ би-замми /алиф/ ва-л-ишбо, учук "у р ч у к" ўқилади.

алиф, вов, ге, ро, вов, қоф - /"Бадойи ал-луғат"/ би-замми алиф, о т р у к "ёлгон" ўқилади.

алиф, вов, нун - /"Бадойи ал-луғат"/ би-замм ва-л-ишбо, у н "товуш" ўқилади.

алиф, вов, нун - /"Бадойи ал-луғат"/ било-ишбо, о н "ўн" ўқилади.

Касрали алиф боби бўйича:

алиф, йо, шин - /"Бадойи ал-луғат"/ би-касри алиф ва-л-ишбо, и ш "юмуш" ўқилади.

алиф, йо, лом, қоф, йо - /"Бадойи ал-луғат"/ бил-ишбо, ы л қ ы "йилки" ўқилади.

алиф, йо, лом, қоф - /"Санглох"/ бил-каср, э л а к "элак" ўқилади.

алиф, вов, лом, те, вов, ро, дол, йо - /"Абушқа"/ би-имола, о л т у р д и "ўлдириди" ўқилади.

алиф, вов, ро, вов, шин - /"Абушқа"/ имола ишораси йўқлиги учун р у ш "уруш" ўқилади.

Фатҳати Қожор қўллаган ва кўпчилик тадқиқотчилар оригинал деб ҳисоблаган фонетик қайд усулларига мисоллар келтирамиз:

қоф, вов, ро, қоф, чим, йо - тўла ҳаракалар ва би-фатҳи аввал қайди билан қ о р у қ ч ы "қўриқчи" ўқилади.

қоф, вов, ро, вов, қоф - тўла ҳаракалар ва би-фатҳи аввал ва вови маълум қайди билан қ о р у қ "қўрик" ўқилади.

қоф, вов, йо, алиф, шин - тўла ҳаракалар ва би-фатҳи аввал ва вови маълум қайди билан қ у й а ш "қуёш" ўқилади.

қоф, вов, зо, қоф, вов - тўла ҳаракалар ва би-з замм қайди билан к о з г у "кўзги" ўқилади.

қоф, вов, те, мим, алиф, қоф-тўла ҳаракалар ва би-з-замм ва вови мажҳул қайди билан к у т м а к "кутмоқ" ўқилади.

қоф, йо, мим, алиф - тўла ҳаракалар ва би-фатҳ қайди билан к э м а "кема" ўқилади.

"Бадойи ал-луғат", "Абушқа", "Санглох" ва "Луғати атрокийя"дан келтирилган мисоллар асосида қуйидаги хулосага келамиз:

1. Навоий асарларига тузилган луғатлардаги сўзларнинг унли товушларини тўғри ўқиш учун келтирилган фонетик қайдларнинг мавжудлиги Алишер Навоий ва эски ўзбек тилида сингармонизм, танглай уйғунлиги, жаранглилик ва жарангсизлик қонуниятлари борлигини кўрсатади.

2. Амалий жиҳатдан "Луғати атрокийя"дан фойдаланиш жуда қулай. "Бадойи ал-луғат" ва "Санглох"дан илмий тайёргарлиги бор ва туркий тилларнинг грамматик тизими билан таниш кишиларгина фойдалана олади.

"ЛУҒАТИ АТРОКИЙЯ"ДА УНДОШ ТОВУШЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

"Луғати атрокийя"даги ҳар бир боб бир ҳарфга ажратилгани учун унда қуйидаги ундош товушлар бор:

б, п, т, ж, ч, д, р, з, с, ш, ь, ф, ф, қ, к, г, л, м, н (нг товуши ҳеч қачон сўз бошида келмагани учун унга луғатда махсус боб ҳам ажратилмаган), х, в, й.

Санаб ўтилган товушларни ифодаловчи ҳарфларнинг нуқтали ёки нуқтасиз эканига кўра уларни иккига ажратиш мумкин:

1. Нуктасиз ҳарфлар. Нуктасиз ҳарфларнинг арабчаси ҳ у р у ф и - м у х м а л а дейилади.

2. Нуктали ҳарфлар. Буларни форсчасига ҳ у р у ф и н у к т а д о р в а арабчасига ҳ у р у ф и м у ʼ ж а м а деб юритилади.

Ундош товушларни аниқ ёзиш ва тўғри талаффуз қилиш учун бошқа луғатнавислар шу жумладан Фатҳали Қожор ҳам "абжад сўзлари"дан фойдаланган. Масалан, қ о ф ҳарфи ва уни қ талаффуз қилиш учун қ о ф и қ а р ш а т, д о л в а д учун д о л и а б ж а д иборалари қўллаган. Ҳ о й и ҳ а в в а з деганда ҳ о ҳарфи ва а товуши, ҳ о й и х у т т и дейилганда нуктасиз ҳ е ҳарфи ва ҳ товуши назарда тутилади. Мисоллар:

те, алиф, ро - то тойи қаршат, яъни т а р ўқилади;

те, вов, ро, ҳо - ҳо ҳойи ҳавваз, яъни т о р а ўқилади. Бошқа ҳамма луғатларда бўлганидек, "Луғати атрокийи"да ҳам б в а п, ж в а ч, к в а г товушлари учун махсус қайдлар келтирилади. Агар шундай қилинмаса, кўрсатилган товушларнинг жарангсиз жуфтларини аниқлаб бўлмайди, чунки г в а к о ф ҳарфи устига қўйиладиган чизиқча ёзилмайди. Шунинг учун бу ҳол учун махсус фонетик қайдлар ишлаб чиқилган. Мисоллар:

бо, алиф, йо, ҳо - бойи порсий ба-алиф кашада, яъни п а й а "пўст, қобик".

бо, алиф, шин, йо, нун, дол, ҳо - би-қасри шини қаршат ва сукуни йо нун, яъни б а ш ы н д а "бошида".

бо, алиф, те, мим, алиф, нун - ба-фатҳи бойи абжад ва сукуни нун ва кофи порсий ва фатҳи зойи нуктадор ва сукуни нун, яъни б а н г - з а м а к "ўхшамок" бўлади.

коф, йо, син - би-фатҳи кофи тозий ва сукуни син бенукта, яъни к э с "кес" ўқилади.

коф, йо, лом, те, вов, ро, вов, ро - би-фатҳи кофи порсий ва замми тойи қаршат ва ройи қаршат, яъни к э л т у р у р "келтиради" ўқилади.

Навий асарлари тили учун тузилган луғатларнинг муаллифлари ичда ундош товушларнинг фонетик характеристикаси учун қайдларни тўла ва системали равишда қўллашда ҳам Фатҳали Қожор аввалги ўринда туради. Буни мана бу мисолда кўриш мумкин:

йо, алиф, бо, йо, лом, мим, алиф, қоф - би-қасри бойи порсий ва сукуни йо ва лом, яъни й а п ы л м а қ "беркитилмок" ўқилади.

"Абушка", "Бадоийи ал-луғат", "Санглоҳ", "Луғати атрокийи"даги мисолларни қиёслаб чиқсак, уларда бош сўзнинг биринчи, баъзан иккинчи бўғини фонетик қайдлар орқали кўрсатилади. "Луғати атрокийи" бу соҳада ажралиб туради. Фатҳали Қожор бош сўзларга иложи борича бошдан-оёқ фонетик қайдлар бериб борган. Мисоллар:

йо, яна йо, коф, йо, те, лом, йо, коф, нун, коф - тўла ҳаракатлардан сўнг би-қасри аввал ва ҳарфи коф порсий ва сукуни йо ва нун ва кофи порсий қайдлари й и г и т л и г и н г сўзини англатади.

қоф, вов, бо, син, алиф, мим, алиф, қоф - тўла ҳаракалардан сўнг би-фатҳи аввал ва вови маълум ва сукуни бойи порсий ва сини бенуқта қайдлари қ о п с а м а қ "асбоб чалмоқ", "ашула айтмоқ" деб ўқилади.

Шундай қилиб "Луғати атрокийя"даги сўзларни ҳеч бир қийинчиликсиз филологик тайёргарлиги йўқ кишилар ҳам ўқий олади. Луғат муаллифи Фатҳали Қожор юқорида гувоҳ бўлганимиздек, бунинг учун ҳамма қайдлари тўла берган.

"Луғати атрокийя"даги грамматик қайдлар ҳақида юқорида айтилгани учун махсус банд ажратишни маъқул кўрмадик.

"ЛУҒАТИ АТРОКИЙЯ"ДА ЭТИМОЛОГИК ҚАЙДЛАР

Луғатларнинг илмий қийматини белгиловчи омиллардан бири унинг таркибига киритилган сўзларнинг келиб чиқиши, яъни аслида қайси тилга мансублигини кўрсатувчи қайдлардир. Луғатнависликда бундай қайдларни этимологик қайдлар дейилади. Навоий асарлари бўйича тузилган луғатларга фақат туркий сўзлар киритилган, арабий ва форсий сўзлар киритилмаган. Аммо эски ўзбек тилида аллақачонлар ўзлашган мўғулча, арабча, ҳиндча, лотинча, грекча ва ҳатто лазгинча сўзлар жуда кўп. Бундай ўзлашган сўзларнинг аслини аниқлаб олиш анча мушқул. Шунинг учун ҳам луғатнавислар ўзлашган сўзларнинг қайси тилга мансублиги хусусида қайдлар қолдирганлар, Бундай қайдларни биринчи бўлиб Толе Ҳаравий қўллаган. Толе Ҳаравийнинг этимологик қайдлари, асосан, сўзларнинг морфем таркибини аниқлашга қаратилган. "Бадойи ал-луғат"да этимологик таҳлилга эга бир неча мисол:

алиф, дол, алиф, шин - а д а ш "адаш", асли а д д а ш эди. Ундаги д о л иккинчи д о л билан бирлашиб а д а ш ҳосил бўлган.

алиф, йо, шин, те, алиф, нун - ы ш т а н сўзи асли и ч "ички", т о н "кийим" сўзларидан таркиб топгани айтилиб "ич кийим" маъносида экани айтилган.

"Санглох" бошқа луғатлардан илмий жиҳатдан юқори туради. Этимологик қайдларни ишлатишда ҳам "Санглох"да изчил йўл тутилган. "Санглох"да ҳозирги тил билан айтганда академик руҳ бор. Сўзларнинг келиб чиқишига қаратилган қайдлар катта аҳамиятга эга.

Б.Ҳасанов "Луғати атрокийя"даги этимологик қайдлар пала-партиш, чала, ишончга сазовар эмас деб ёзади: "Что касается "Луғати атрокийя", то здесь ощущается его полная зависимость от словаря Махдихона: если слова, на происхождение которых сделаны указания, имеются в "Санглох", они как правило точны, но там, где Фатҳали Каджар самостоятелен, т.е. когда он включает в свой словарь новые, но имеющиеся у Махдихона слова, то здесь он очень часто допускает ошибки в своих указаниях на источник заимствования", - дея, "Луғати атрокийя"да б а р а - б а р а "бора-бора" /"Луғати атрокийя", 96-б./, б у к м а з "шароб, шароб ичин" /"Луғати атрокийя", 101-б./ сўзлари форсий, б а в в а : б

"эшикчи" /"Луғати атрокийя", 103-а/ сўзини эски ўзбек тилига киритади. Қ ы з ы л т а л /"Луғати атрокийя", 298-а/ иборасини эса форс ва турк тили учун муштарак, деб хато қилганини қайд қилади (22,20).

Шунга ўхшаш хато ва камчиликлар "Луғати атрокийя"да қоида тусини олганми ёки йўқми эканлигини аниқлаш учун луғатни яна бир бор кўриб чиқишимизга тўғри келди. Текширишимиздан хато уч иборанинг фақат биттасидагина эканлиги маълум бўлди. Аммо бунинг ҳам узрли томони бор.

Бунинг учун б а р а - б а р а , б у к м а з , б а в в а : б в а қ ы з ы л - т а л луғат мақолаларини таҳлил қилиб чиқайлик.

"б а р а - б а р а , "Чаҳор девон"да /Навоий/ айтади: Фано йўли Навоий бас қатығдур, магар асанрак олғай бара-бара". Сўз форсий билан муштаракдур".

Бу луғат мақолада б а р а - б а р а нинг маъноси тўғри эканлиги "Санглох" билан солиштириш орқали аниқланди. Ушбу туркий жуфт сўз форс тилида ҳам қўлланади дейиш хато деб ҳисобланган. Лекин у қандай хато эканлигини аниқлаш мумкин. Гап шундаки, Фатҳали Қожор шу ўринда ўта моҳир луғатнавис Маҳдихонга ўхшагиси келган. Аниқроғи у Маҳдихоннинг бош сўзнинг шаклан бошқа тиллардаги сўзларга ўхшашлигини қайд қила боришига тақлид қилган. Натияжада кўп бўлма-сада, баъзан б а р а - б а р а луғат мақоласидаги каби сўзни форсча билан муштарак дейиши каби хатоларга йўл қўйган. Бу катта айб эмас. Бу ҳақда Б.Ҳасанов диссертациясида шундай ёзади: "При работе с "Санглах"ом читатель должен иметь в виду одно его свойство, присущее только ему, которое состоит в том, что, если начертание заглавного слова или какой-либо его формы внутри словарной статьи совпадает с каким-либо персидским, арабским, турецким или индийским словом, Маҳдихон приводит и их значения, обязательно указывая на их язык. Полезность этого приёма обнаруживается особенно в тех случаях, когда в иллюстрациях, приводимых в словарных статьях начертание какого-либо слова может напоминать читателю (а он по идее должен быть персоязычным, потому что "Санглах" предназначен в первую очередь для него) персидское слово совпадающее по начертанию с тюркским, но имеющее совершенно иное значение в его родном языке. Например, т а б а н староузбекское - "пятка" и т а б а н персидское - "лучезарный, светлый" /"Санглах", 151 а /: "т а б а н в размере д а м а : н "пятка", которая по арабски называется т а қ и : б а по-персидски будет д а р а х ш а : н "лучезарный" и н у : р а : н и "светлый". Так, для обоих значений он /Навои/ говорит, стих: В разлуке темно в жилище души моей, потому что не лучезарны очи мои отсутствием ее прихода /букв.пятки/ (таржима Б.Ҳасановники)".

Ушбу иктибосдан кўриниб турибдики, келтирилган т а б а н мисолидаги каби ҳолларда ўқувчининг диққати изоҳланаётган сўз ўз она тилидаги бирор сўзга шаклан ўхшаб қолган тақдирда юз беради. Бу

ерда шомашошарлик қилиб уларнинг маъноларини аралаштирмаслик лозим. Фатҳали Қожор ҳам худди шунга интилган, лекин унинг бу қўллаган усули тасодифий. Шунинг учун уни ҳозирги кунга келиб хато дейиш мумкин.

Б а в а : б луғат мақоласи хусусида гапирадиган бўлсак, бу ерда хато йўқ деса ҳам бўлади. Чунки Фатҳали Қожор бу сўзнинг арабча эканини таъкидламаган. Агар бундай ҳолларнинг ҳаммасини хато ҳисоблайдиган бўлсак, унда Фатҳали Қожор, ҳатто Махдихон ҳам юзлаб хатоларга йўл қўйган дейишимизга тўғри келарди. Сўзлик ҳақида гапирганимизда мўғулча, арабча, форсча сўзларнинг этимологияси ҳақида гапирган эдик. Ж.Клосон ҳам "Санглох"да келиб чиқишига ишора қилинмаган жуда кўп сўзлар рўйхатини келтиради.

"Бурҳони қоти" муаллифи эса уни форсчада б а г м а : з "шароб", "шароб ичиш", "шароб пиёласи" маъносидадир, дейди. Яна "меҳмондорчилик" маъносида ҳам келади".

"Луғати атроқийа"да: /б а г м а з д у ш о бни шундай дейишади/.

Демак, Фатҳали Қожор б а г м а з сўзининг усмонли туркчалигига ишора қилмаган ҳолос. Аммо бу сўздан юқорида б а к м а : з сўзи ҳам бор. У мана бундай изоҳланган: "б а к м а : з "шароб", "шароб ичиш" ва "меҳмондорчилик" маъносидадир. Сўз - форсийдир. Чунки асарларда /шундай/ ёзилган".

Ушбу мисол Фатҳали Қожорнинг "Санглох"га тақлид қилганини билдирмайди. Аксинча у ушбу сўзни Махдихонга қарама-қарши ўларок, ҳеч бир шубҳасиз /"Бурҳони қоти" муаллифи сингари/ форсий деб қабул қилади. Шу билан маълум маънода "Санглох" муаллифи билан келишмаганлигини кўрсатади. Бу мисоллар "Луғати атроқийа"даги этимологик қайдлар "Санглох"дан олилмаганлигини кўрсатади.

Қ ы з ы л т а л луғат мақоласига келсак, бу ерда ҳам Фатҳали Қожор жиддий хатога йўл қўйган эмас. У бу ибора таркиби ҳақида гапирганда форсча ва туркча сўзлардан иборат дейди. Бу ерда у йўл қўйган хато: иборاداги ҳар икки компонент туркий сўз. Бу ҳол ҳам Фатҳали Қожорни мустақил бўлганлигини кўрсатади. Бу сўз "Санглох"да қуйидагича изоҳланган:

қ ы з ы л т а л "қизил тол" бўладки, уни яна "табарий толи" ҳам дейишади..."

"Луғати атроқийа"да эса у қуйидагича шарҳланган: "қ ы з ы л т а л қизил толга айтишади. Сўз форсча билан мурақабдир".

Шу каби мисолларни қайта-қайта кўриш натижасида Фатҳали Қожор м у ш т а р а к, м у р а к к а б сўзларини биров бошқа маънода ишлатганлигини илғаб олиш мумкин. У ушбу сўзни "туркий ва форсий тил учун баробар, яъни ҳар икки тилда баробар ишлатилади" маъносида қўлаган.

"ш а б а ш мақтов сўзидир. У ш а д б а : ш сўзининг ҳарф тушиб қолган шаклидир. У яна созанда ва раққосларга тизиб бериладиган

Демак, сўзларнинг мажозий маънолари аслий маъноларидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам ҳақиқий маъно бирламчи, қолганлари эса иккиламчи бўлади. Фатҳали Қажор ҳам ана шу анъанага бўйсинган ҳолда аввал сўзларнинг ҳақиқий сўнгра мажозий маъноларини беради. Аммо "Луғати атрокийя"да ҳам "Санглох"даги каби сўзларнинг аслий, ҳақиқий маънолари қайд қилинмайди. Қайднинг йўқлиги изоҳланаётган сўзнинг ҳақиқий маъно эканига далолат бўлади:

к у ш "хона" ва "манзил" маъносида...

Сўзларнинг мажозий ёки истиорий маънолари уларнинг ҳақиқий маъноларидан сўнг берилиб, м а ж о з, м а ъ н а: м а ж а: з и й ёки и с т и а: р а, м а ъ н а: и с т и а: р и й қайдлари билан келади. Бир мисол:

з а н а х ... "афсонагўйлик", "лоф уриш" ва "қиссагўйлик". Яна киноя билан "бекуда гап сотиш" маъноси ҳам бор...

Сўзларнинг ҳақиқий маъноларини беришда Фатҳали Қажор бошқа луғатнавислар сингари аввал умумий, кўпроқ истемолдаги маъноларини, сўнгра эса ишлатилиши камроқ маъноларини берган. Асосий ёки сўзнинг кенг истемолдаги маъноларидан сўнг кўшимча, иккиламчи ва нозик мажозлар кела бошлайди. Бу маъноларнинг ҳар бири ўзи келиб чиққан асосий маъно билан ёнма-ён келишига интилиш сезилиб туради. Асосий, кўшимча, иккиламчи ва нозик маънолардан тортиб, то кўчма маъноларгача-ҳаммаси бир хил й а ъ н и й, б а м а ъ н и:, н а: м а н д, /атайдилар/, х а: н а н д /атайдилар/ ва кам учрайдиган, лекин бор маъноси берилишидан олдин в а н и: з /ва яна, тагин/ иборалари билан бирга келади. Мисоллар:

"ч а к у к бир куй номи. Яна "катта чароғ"га айтишади..."

"д а л а й мўғул тилида "дарё"га айтишади. Ва яна "катта кишан" ни шундай айтишади..."

"с э п и л м а к яъний "сепилмоқ, сочилмоқ".

Бир маъноли сўзлар одатда, сўзнинг фонетик ва грамматик қайдларидан сўнг берилади.

Сўзларнинг маъно рангбаранглиги изоҳларда "ва" боғловчиси билан ажратилади: "й а р у к "равшан" ва "равшанлик" ва яна "ёриқ, дарз"..."

Сўзлар кўп маънолилиқ хусусиятига эга. Навоий асарларини мутолаа қилишга киришган киши сўзларнинг кўп маънолилигига устак яна сўзларга юклатилган турли-туман маъно нозикликлари билан юзлашади. Чунки Навоий асарлари "Насойим ал-муҳаббат", "Тарихи мулуки аҷам", "Тарихи анбиё" каби бир неча асарни ҳисобга олмаганда, шеърӣй йўл билан бино бўлган. Бу ҳол Навоий тили бўйича луғат тузган ҳамма луғатнавислар олдига ана шу маъно нозикликларини тушунтиришни тақозо қилган. Айтиш жонски, бу вазифа луғатнавислар томонидан ўзларига хос усул ва йўриқлар билан амалга оширилган. Фатҳали Қажор ҳам бу борада энг аввал анъанавий усулларни қўллаган. Мисоллар:

1. Сўз маъносини эквивалент билан таржима қилиш усули. Бу усулни рус луғатнавислари к а л ь к а ёки к а л ь к и р о в а н и е деб

атайдилар. Мазкур атама ўрнида Ж.Клосон ва ундан сўнг Т.Ш.Қодиров алтернатив сўзини қўллайди.

Эквивалент билан изоҳлаш усулини Фатҳали Қожор, асосан, маълум ашё номларини ифодаловчи сўзларни таржима қилишда қўллайди. Чунки бундай сўзлар фақат бир маънога эга:

"а х т ы қ "набира" маъносида".

"қ у ч а қ "оғуш"га айтишади".

"к о з г у "ойна"га айтишади...".

Сўзни эквивалент билан таржима қилишда Фатҳали Қожор ҳам Махдихон, Румий ва Толе Ҳаравий сингари бадий дид ва услубни сешиш қобилиятига эга эканини намойиш қилади.

Эквивалент билан таржима қилиш усулини Фатҳали Қожор бошқа ҳолларда ҳам қўллайди. Буни бир мартагина ишлатилган сўзлар учун берган изоҳларда учратамиз. Бундай сўзлар матнларда кўп марта учрайди. Сўз маъноси фақат биттагина бўлган тақдирда эквивалент усули қўлланилади:

"к о р к а "катта ноғора"га айтишади. "Садди Искандарий"да Доро ва Искандар давосида келади:

Йана карранай ва корка уни,

Қылып а:шка:ра кийа:мат куни

2. Синоним билан таржима қилиш усули. Луғатда бу усул кўпроқ қўлланган:

а р д у ж дарахт номидир, уни ь а р ь а р деб ҳам айтишади.

а ж р ы ғ қуруқ тиканли ўт. Уни ч а й ы р деб ҳам айтишади.

б ў р и сўзи учун г ў р г ва з и' б сўзлари берилган.

3. Тавсиф ёки шарҳ билан қувватланган эквивалент. Ҳар бир тилда шундай сўзлар борки, уларни бир сўз, яъни эквивалент билан таржима қилиб бўлмайди. Бундай ҳолларда эквивалент сўз кетидан тавсиф, шарҳ, тафсир келтирилади. Бунга мисол сифатида т у н луғат мақоласини келтириш мумкин. Бу луғат мақолада т у н, т у н ва т о н сўзларидан биринчи ва учинчисига эквивалент сўз билан, иккинчисига эса эквивалент ва тавсифлаш билан тушунтирилган.

4. Сўз маънолари очишнинг энг сермахсул ва қадимий усули-изоҳлаш, тафсирлаш, шарҳлашдир. Ушбу усул барча араб луғатлари шу жумладан, мазму бўйича, муаллиф асарлари бўйича тузилган луғатларда учрайди. Бу усулни луғатлар устида олиб борилган кузатишлар туфайли аниқлаш мумкин. Бу усул филология соҳасида қалам тебрата оладиган ижодкорлар учун кўп жиҳатдан қўлай. Бунда луғат муаллифи ўзини эркин сезиб, шарҳ, тафсир ёки изоҳ усули орқали ўз қобилиятини намойиш қила олади. Махдихон ва Толе Ҳаравий бу соҳада ўз бадий маҳоратларини намойиш қилган. Қожор ҳам бу жиҳатдан улардан қолишмайди:

"б а р т а с ...қабила ва тойифа номи. Яна Туркистонда бир вилоят номи. У ердаги тулкининг юнги майин бўлади. Унинг терисидан кийим ва пўстин тикадилар".

"б а р л а с ... Туркистонда катта тойифа ва қабила номи... Яна Ҳиндистондаги кўраганина султонлари ушбу тойифадандирлар".

Изоҳ ва тавсиф усули атама, киши исмлари, географик ва этник номларда кенг қўлланади.

"Луғати атрокийя"да Фатҳали Қожор ҳам шарҳлаш усулидан фойдаланган. Масалан с ы б а сўзи "Луғати атрокийя" ва "Санглох"да куйидагича изоҳланган:

"с ы б а ... жангда қалъани олишда лашкарни ҳимоя қилиш учун лашкарнинг олд томонига баланд қилинган тупроқ".

Фатҳали Қожор "Санглох"нинг с ы б а луғат мақоласидаги изоҳнинг атиги бир сўзини ўзгартириб ва бир неча сўзни тушириб қолдиради. Натижада Махдихоннинг ушбу изоҳи бузиб қўйилганга ўхшайди. (22, 23), Аслида бундай эмас. Бу фикр янглиш эканини исботлаш учун "Луғати атрокийя"даги с ы б а луғат мақоласини келтирамыз:

"с ы б а - лашкарни сақлаш учун атрофга баланд қилинган тупроқ уюми ва яна мулоимлик ва ҳушмуомалалик".

с ы б а сўзига берилган бу икки изоҳни солиштирсак натижа куйидагича бўлади:

а) "Санглох"даги изоҳ мантиқан хато, чунки қалъани забт қилаётган лашкар ҳимоя тепалигига муҳтож бўлмайди.

б) "Луғати атрокийя"даги изоҳ тўғри. Луғатда яна сўзнинг иккинчи маъноси ҳам берилган. Бу ҳол унинг "Санглох"га тобе эмаслигини исботлайди.

Турли расм-русум, халқ одатлари, байрам, маросимлар, тўй-тамошаларни тушинтиришда ҳам тавсифлаш усули иш қўлланилган. Бундай ҳолларда ҳам Фатҳали Қожор олдинги луғатнависларга эргашган ҳолда яхши натижаларга эриша олган:

"қ а р а б а д а м қадимда бир расм бўлганки, бирор киши ўлса, тобутнинг ёнига жаноза вақтида қора бодом кўйишади".

"к и з мўғуллар ва Туркистон турклари орасида расм бўлган. Унда азалда қариндош уруғлар қора кигизни бўйинларига осиб олишади. Уни қ а р а к и з дейишади".

5. Синоним сўзлар билан изоҳлаш. Бу усул ҳам Навоий луғатларида кенг қўлланган. Ундан айниқса Махдихон усталик билан фойдаланган. Махдихоннинг маъноларни очишда синоним сўзлардан фойдаланиши олдинги тадқиқотларда етарлича гапирилган.

6. Сўз маъносини очишда антонимлардан фойдаланиш. Бу усул синоним сўзлар қўллаш усулидан эффе́ктивроқ. "Луғати атрокийя"да ҳам бу усул кўп учрайди. Антоним ёрдамида маъно очиб берилганда антоним сўз олдида з и д "қарши, тескари" сўзи пайдо бўлади: "т о қ ... с и: р /тўк/, "оч"нинг зидди".

Шарқ луғатларининг ҳеч бир луғатларда учрамайдиган бир хусусият бор. У ҳам бўлса луғат муаллифи баъзи сўзларнинг маъноларини тушинтирар экан, қутилмаганда ўзи ҳам баён қилинаётган воқеа иштирокчисига айланади. Бу ҳолни, "Луғати атрокийя"да аниқ кузатиш мумкин:

1) ч а м а ғ а ч ы ... санавбар дарахти, яъни шамъ йоғочидир. Румда кўп учрайди. Мен - фақир муаллиф уни ўша ерда кўп кўрганман.

2) ж и л а к ... қора тутта ўхшаш ширин мева номи. Меваси - гулранг, шохлари ердан чўзилиб туради. Эривоннинг йайлоқларида кўп бўлади. Мен - фақир муаллиф уни ўша ерларда кўп кўрганман, аммо Эронда учратмадим.

Кўришиб турибдики, Фатҳали Кажор бу усулни фақат ўзи кўрган нарсалар ва иштирок қилган воқеа ҳодисаларни изоҳлаган вақтлардагина ишга солади. Умуман бу усул кўпчиликка маъқул кўринади, чунки ўқувчида қизиқиш ортттиради. Ўқувчи луғат саҳифаларини зўр бериб ўқиб чиқинга ҳаракат қилади.

Маълумки, Толе Ҳаравий энг аввало луғатнавис эмас, балки шоир, ҳазрат Навоийнинг таъбирча "...таъби ғаробат сари мойиллық шоирдир". Унинг шоирлиги "Бадойи ал-луғат" саҳифаларида ҳам сезилиб туради. Луғат муқаддимаси қофияли саж билан ёзилган, сўз маъноларини очиб беришда бадий санъат усулларида кенг фойдаланилган. "Бадойи ал-луғат"да шундай усуллар мавжудлиги ҳақида А.К.Боровков етарлича гапирган. Б.Ҳасанов "Санглох"да ҳам бадий усуллар борлигини аниқлаган. "Луғати атрокийя" муаллифи ҳам Толе Ҳаравий бошлаб берган анъанани давом эттиришга интилган:

ч а н г а ... тўйларда эру аёллар қўл ушлашиб келин-куёвни табриклар ўйнаб куйлайдилар. Чунончи, "Мезон ал-авзон"да Навоий куй ва кўшиқ хусусида ёзади: "...ки, йана ч а н г а дурким, турк улуси зихоф ва қыз кочурур тойларьда ани айтурлар. Ва ул сурудийдур, ба ғоят муассир ва икки навъдур. Бир навъи ҳеч вазн била рост эмас. Ва бир навъи бир байт айтилулки, мунсарихи матвийи мавқуф баҳридур ва й о р лафзи радиф ўрнига мазкур қылулар".

Энциклопедик руҳда изоҳланган бу сўзни ўқувчи анча қизиқиб ўқийди.

"Луғати атрокийя"да географик номлар, ҳайвонот ва наботат номлари кўп учрайди. И.Тури "Луғати атрокийя"даги географик номларнинг кўпчилигини ҳайратга тушган.

"ЛУҒАТИ АТРОКИЙЯ"ДА ШАВОҲИДЛАР

Луғат дегани сўзнинг ҳар бир маъноси учун бирор мисол келтирилса ҳақиқий луғат бўлади. Дарвоқе, қўлга луғат олганда сўз маъноси учун ҳеч бўлмаса битта мисол келтирилган бўлса, ўша сўз мисол билан бирга хотирага мустаҳкам ўрнашиб қолиши ҳаммага маълум. Шунинг учун сўз маъноларини қувватловчи шавоҳидларнинг аҳамияти қадим замонлардан сезилган ва бу лексикографик йўл шарқ луғатларининг деярли ҳаммасида кенг қўлланиб келинган. Йжодкор асарлари учун ёки ёлғиз асар учун тузилган луғатларда шавоҳидлар келтирмаслик ачинарли иш бўларди.

Навоий асарлари учун тузилган луғатлар, шу жумладан, "Луғати атрокийя"да ҳам шоҳидлар келтирилган. Биз бу ерда шавоҳидларнинг "Луғати атрокийя"да тутган ўрни ва уларга юклатилган функциялари ҳақида гап юритамиз.

Мисоллар назмий асарлардан олинган бўлса, икки мисра ёки бир байт бўлади:

к э с и л г а н "кесилган". "Шайх Санъон"да келади:

Таъбийа ҳар конгур узра ташлар,
Ишқ ти:ғидан кесилган башлар

Мисол рубойий бўлса, тўла ҳолда келтирилади: т а м ғ а ... "тамға, муҳр" ...Бобурнинг бир рубоисиди келади:

Иҳа:ри зара:фату лата:фат қыласиз,
Хар ҳарфда йуз наза:кат қыласиз,
Гар хинд иши каттығ эрмас нэвчун,
Исығ йәрдин савуғ зара:фат қыласиз.

Изоҳланаётган сўз кўп маъноли бўлса, ҳар бир маъно учун битта, баъзан, ундан ҳам кўпроқ мисол келтиради:

к о п "кўп" ... Лутфий айтади:

Коп йугурди равзада ʻайнан тусамма:
Тапмады ул чашныким шаккар табыцадур

к у б "хум" ... "Шайх Санъон"да айтади:

Ба:да куп-куп анда ҳа:зир қылдылар,
Нукл анда коп-коп за:ҳир қылдылар,
Савти на:ку:ру, сада:йи арғанун.
Шайх ди:ни ма:тамиға тартиб қылдылар

Навобий асарларига тузилган луғатларнинг муаллифлари баъзи луғат мақолалар ичида сўзларнинг маъноларига мисол келтирганларида ушбу мисоллар олинган кўлэмаларнинг сукутли, ишончга сазовор эмаслиги ҳақида гапирадилар. Луғатнависларнинг кўлэмаларга танқидий қарашлари, айниқса, ўзларидан олдинги муаллифлар ёки бошқа луғатларда йўл қўйилган хатолар хусусида гапиришлари мақтовга сазовор. "Санглох"дан мисол:

к а р а ғ "кўз корачиғи". "... Румий буни "кўл" маъносида ёзди. Қароқчилар ҳақида эса "қарақчы" дейилгани учун, у "толон-торож" ва яна "қора" маъноларини ҳам келтирган. Насирий ҳам унинг изидан борган. Бу маъноларнинг ҳаммаси-бемаъни, чунки уларни ақл бовар қилмайди (26, 91).

Фатҳали Қожор ҳам айрим луғат мақолалар ичида шу йўсинда гапиради:

ч а п у н сўзнинг маъноси "хуруж", "толон-торож" ва ч а п у н ч ы - "босқинчи". Аммо ушбу ўринда бу маъно тўғри келмайди.

Фатҳали Қожор луғатнинг бошқа бир ерида ҳам шу сўзга қуйидагича изоҳ беради:

ч а п у н - сўзнинг маъноси тушунилмади, ҳатто марҳум Мирзо Маҳдийхон ҳам бу илмда камолотга етишган бўлишига қарамай, сўзни тушунмаган ва "маъноси ечилмади" деб ёзиб қўйган.

Кожорнинг "Санглох" учун сукутли қўлёзма китоблар жалб қилингани ҳақидаги маълумотлари аҳамиятлидир. Жумладан, Фатҳали Кожор Навоий асарларидаги маъноси шубҳали 12 сўз ҳақида гапиради. Бу сўзлар ҳақида Мирза Махдихон "маъноси ечилмапти" деб қайд қилади. У аввало ўша сўзларнинг ҳар бирини "Ҳазойин ал-маоний" ва "Ҳамса"да қандай келгани ҳақида гапириб, сўнг бу сўз маъноларини ечиб беришга ҳаракат қилган. Шулардан бири - "аранг" луғат мақоласи:

"а р а н г сўзини нусхани кўчирган котиб янглиш ёзган. "Чор девон" ва бошқа асарларда бу сўз учрамайди. Қандай қилиб ҳам шунча асарлар ичида сўз фақат шу фардда келарди. Шунинг учун /бу ерда/ а р а н г эмас, балки а н и н г бўлиши керак, маъно ва вазн жиҳатидан ҳам тўғри бўлади. ... қатъийан айтиш мумкинки, а р а н г - хато, а н и н г бўлиши керак. Мирзо Махдихон "маъноси ечилмапти" деб ёзган фарднинг иккинчи қисмининг бу сўзга алоқаси йўқ".

Фатҳали Кожор Навоий ёки бошқа бирор муаллифнинг муайян асаридан мисол келтиришда Толе Ҳаравий, Румий ва Махдихон сингари ушбу мисол асарнинг қайси еридан олинганини кўрсатади. Мисол олинган бўбнинг номи ва мазмуни ҳақида қисқа баён беради.

Бундай қайтлар қўлёзма асарлар учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу каби қайтлар ўша мисолларни қийналмай топиб олиш ва ўзи учун керакли мақсадларга йўналтириш учун асқотади. Навоий луғатларини изчил ва чуқур ўрганган Б.Ҳасановнинг мазкур қайтларга берган баҳоси аҳамиятли бўлгани учун қуйида уни ҳеч бир ўзгаришсиз келтирмаиз: "эти вводные замечания, указания выполняют... весьма существенную функцию. Как известно, весь иллюстративный материал ("Иллюстративный материал" деганда шавоҳидлар тушинилади) для словарей языка Навои черпался из рукописных списков его произведений, равно как и произведений других авторов, а поскольку никогда не бывает так, чтобы текст двух из десяти, сотни или даже еще большего количества рукописей располагался одинаково на их листах, то адрес цитаты из одного рукописного списка никогда не будет соответствовать адресу этой цитаты в других рукописных списках определенного сочинения. Совпадение может произойти исключительно только благодаря случайности. По этому средневековые лексикографы применяли этот приём и для того, чтобы пользующийся словарем мог обнаружить с его помощью ту или иную цитату в имеющейся у него рукописи" (22, 26-27).

Матншунослар учун ўтмиш ижодкорлар асарларининг илмий-танқидий матнларини юзага келтиришда қўлёзмаларнинг хатосиз бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Улар ўнлаб қўлёзмалар матнларини сўзма-сўз текшириб, муаллиф нусхасига яқин матнни тиклашга уринадилар. Бу машаққатли ишда қўлёзма луғатлар ҳам шоиру адибларнинг асарларидан иктибос қилиб олинган шеърый ва насрий парчаларнинг ноёб бисотхоналари сифатида алоҳида аҳамият қасб этади. Эндиликда матншунослик амалиётида ушбу бой ёдгорлик хазиналардан, албатта, фойдаланмоқ даркор. Кей-

инчалик ишонарли матнлар юзага келгач, қўлёзма луғатларга жалб қилинган мисолларнинг ҳам тўғри-нотўғрилигини текшириб чиқиш имкони туғилади.

"ЛУҒАТИ АТРОКИЙА"ДА ХАВОЛАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

Хавола қўллаш луғатнавислик ишининг қадимий усулларидан биридир. Хавола фақат "Санглох" ва "Луғати атрокийа"да учрайди. Бу масалала Фатҳали Қожор "Санглох"га тобе қилиб қўйилгани учун гапни "Санглох"дан бошлаймиз. Маҳдихон ҳаволалари м а з к у р х а: х а д ш у д (фалон жойда... эслатилади) ва м а з к у р ш у д (фалон жойда... эслатилади) иборалари орқали кўрсатилади:

"ч э к и н ҳам шу икки маънода мустаъмалдирки, бу ҳақда ч и:м бобида эсланган эди".

"ч о ф ушбу маънода ч о қ ҳам ишлатилади. Бу ҳақда "чи:м билан қоф" бобида эслатилади".

Зикр қилинган автореферат (22)да Фатҳали Қожор к и й и з, к и р ш а н, к э к р у к, с а д а қ ва қ а р п а р изоҳида "Санглох"га мурожат қилинганлиги ёзилган. "Луғати атрокийа"ни синчиклаб текширганда яна бир бор бу фактни тўғрилигини тан оламиз. Ишонч ҳосил қилмоқ учун "Луғати атрокийа"дан к и р ш а н луғат мақоласини келтирамиз:

"к и р ш а н "оқ юз креми"га айтишади, бошқа сўз билан ҳам дейишади ва у ўз ерида келган эди".

Албатта, бундай хавола билан к и р ш а н сўзини "Луғати атрокийа"дан топиш амри маҳол.

к э к р у к луғат мақоласини ўқиб чиқсак, бу ерда ҳам худди шу ҳолга юзланамиз.

"г э г р у к "кекирик"дир, бошқа сўз билан ҳам айтишади. У ўз ўрнида ёзиб қўйилган эди".

Шундай қилиб "Луғати атрокийа"даги ҳаволаларга қараб унинг муаллифи кўзлаган мақсадга эришиб бўлмайди. Яна ҳам аниқ айтадиган бўлсак, Фатҳали Қожор шарқ луғатларида сўз маъноларини очиб беришдаги муҳим лексикографик усуллардан бири - хаволалар функцияларини тушиниб етмаган. Оқибатда уларнинг на луғат учун ва на сўз изловчи учун бирор нафъи тегмайдиган бўлиб қолган.

Ижодкор асарлари тили учун луғат тузишга киришган луғатнавис юқорида санаб ўтилган босқичларни билиши керак.

Кўриб чиқилган манзара тўла бўлиши ва уни яхши ҳис қилиш учун "Луғати атрокийа"ни "Бадой ал-луғат", "Абушқа" ва "Санглох" билан ёнма-ён кўриб чиқиш фойдали.

"ЛУҒАТИ АТРОКИЙЯ" ВА "БАДОЙИ АЛ-ЛУҒАТ"

"Бадойи ал-луғат" араб қомуслари ва форс тили йўлида тузилганиги билан "Луғати атрокийя"дан тубдан фарқ қилади. Бу фарқ даставвал луғатларда бош сўзларни жойлаштиришда кўзга ташланади. Агар "Бадойи ал-луғат"да бош сўзлар феъллар учун мақ, макли масдар шаклларда, исмлар, яъни от, сифат, сон, равиш каби сўз туркумлари бирлик сон, бош келишик шаклларида олинса, "Луғати атрокийя"да сўзлар турли шаклларда келтирилади. Қысқармақ феъли Навоий асарларида қысқарур, қысқаруб ва қысқарды шаклларида учрайди. "Бадойи ал-луғат"да бу шаклларнинг ҳаммаси қысқармақ бош сўзи остига жойлаштирилган. Лекин шаклларнинг ҳаммаси ҳам албатта луғат мақола ичига олинishi шарт эмас. Қысқармақ луғат мақоласида ҳам қысқарды шакли берилмаган. Мана бундай:

қысқармақ каср ва ишбо билан, яъни қысқармақ ўқилади, (маъноси) "қалта бўлмоқ, қысқармоқ". Мана бу гаронада мажоз йўли билан қысқарур сўзи "қалта бўлади, қисқаради" маъносида келган:

Зулфи саркашлик қытур ул ой чэкса қад,
Гарчи сойа қысқарур дойим тик бўлғач қуйош.

қысқаруб "қисқа бўлиб, қисқариб" бўлади. Чунончи, мана бу байтда шу маънода келган:

Са:вук охимдин йоруғлуқ аз-у кўптур тийралық,
Қышда ул йанглығки, тун болғай узун, кун қысқарыб.

Худди шу қысқармақ феъли ва ундан ясалган қысқарур, қысқарыб ва қысқарды шакллари "Луғати атрокийя"да тўрт луғат мақолада берилган, яъни уларнинг ҳар бири мустақил сўз саналиб бош сўз сифатида келтирилган.

"Луғати атрокийя"нинг охиригача мана шу манзара учрайди. Бундай тартибда ёзилган луғатлар билан ишлаш анча қулай. Лекин шу ўринда масаланинг бошқа бир томони "Луғати атрокийя"да бош сўзлар сифатида сўзларнинг ҳамма сийғалари олина боришида вужудга келадиган қулайликни бутунтай йўққа чиқариб қўйганигини четлаб бўлмайди. Агар "Луғати атрокийя"даги бир қатор сўзларни кетма-кет жойлаштирадик, топшиқанчалик мушқил эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас:

бо бобидан	мим бобидан
бозламоқ	манглай
бузав башы	мавы
бозчи	мамуқ
бузуклуқ	марымақ
бозачи	мақтамақ
босаға	машаб
бусу	мақта
бушмақ	майруқ

Бундан ташқари, деярли ҳар бир ҳолда бир ўзакка тегишли сўз шакллари бир-биридан шундай узоқ жойлашганки, кўпинча ўша сўз ва шакллар жойлашган бобни бошидан охиригача ўқиб чиқишга тўғри келади. Масалан, буйукрак сўзи 2004-ўринда келгани, буйук сўзи эса буйукракдан 20 сўз кейин жойлашгани, тангмақ 2299, тангдылар 2231 ва тангыб 2179- ўринда келгани, албатта, буйук ва тангмақ сўзлари ва уларнинг шакллари лугатдан топишнинг қийинлиги ҳақидаги фикрни қувватлайди.

Хулласи калом, Навоий тили учун тузилган луғатларнинг йиғма очкич сўзлигини тузиш ниятимиз бор экан, у ҳолда ишни худди шундан, яъни "Луғати атроқийа"нинг сўзлигини алифбо тартибига солишдан бошлашимиз даркор. Шунда иш бошида юқоридаги мисолларда келтирилган сўзларни қуйидаги тартибда келтиришга тўғри келади:

бо бобидан	мим бобидан
бузав башы	марымақ
бозчи	машаб
бозламақ	мақта
бозачи	мақтамақ
бузуклук	мамуқ
босаға	мангтай
бушмақ	мавы

Мана шундан сўнг, луғатнавислик қонуниятлари талабига мувофиқ бир ўзакка тегишли ҳамма сўзларни ўша ўзак атрофига йиғиб чиқамиз. Сўзларни луғат мақола ичида беришда уларнинг ҳар бири "Луғати атроқийа"нинг қайси варағида жойлашганини кўрсатиб ўтишни унутмаслик зарур, чунки акс ҳолда уларни луғат ичидан топиб бўлмайди. Демак, юқоридаги сўзлар йиғма сўзликда мана бундай жойлашади:

бо боби бўйича:

бузав башы 109 а, БЛ
 бозчи 109а
 бозламақ 109а, БЛ 41а
 бозачи 109а
 бузуклук 109а
 босаға 109а
 бушмақ 109а

Бошқа боблардаги ҳамма сўзлар ҳам шу тариқа тартибга солинганч, "Луғати атроқийа"дан фойдаланиш жуда қулай ҳолга келади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, "Луғати атроқийа" бўйича тузилган сўзликда "Бадойи ал-луғат", "Абушқа", "Санглох"да мавжуд бўлган баъзи сўзлар учрамаслиги мумкин. Чунки мазкур луғатларнинг ҳеч бири Навоий асарларидаги барча туркий сўзларни камраб олмаган. Тушиб қолган сўзларни "Луғати атроқийа"даги сўзлик ичига киритамиз. Масалан, "Бадойи ал-луғат"даги атлығ, атағлымақ, атқун, ажмақ, санкур, санчиш,

куймак, кяса каби қатор сўзлар "Луғати атроқийа"да йўқ. Шунинг учун, буларнинг биринчи тўртгасини йиғма сўзликнинг алиф бобининг, кейинги сўзларни эса син ва коф бобларининг тегишли жойларига киритамиз. Ушбу тарика, йиғма сўзликнинг тўлалигига эришамиз. Аммо, шуни унутмаслик керакки, йиғма сўзликка киритилаётган ҳар бир сўз қайси луғатда учрашини қайд қилиб бормоқ керак. Бунда луғатларнинг варағи кўрсатилиши шарт эмас. "Абушқа" ва "Бадойи ал-луғат"дан олинган мисолларни топиш энгил. Бу икки луғатда сўзларнинг алифбе тартиби сақланган. "Санглох"даги сўзларни индекс орқали энгилгина топиш мумкин. Ушбу тарика мавжуд қўлёзма луғатларнинг йиғма сўзлиги вужудга келади.

Шу ўринда "Луғати атроқийа" ва "Бадойи ал-луғат" орасида баъзи қиёсий таҳлилимиз хусусида ҳам айтиб ўтишга тўғри келади. Бу қиёсимиз "Бадойи ал-луғат"да йўл қўйилган хато ва камчиликларга қаратилган бўлиб, уларни асосан Махдийхон ўзининг луғатида айрим-айрим кўрсатиб ўтган. Фатҳали Қожор ҳам тора луғат мақоласида унинг маъноси "тўп" деб берилгани ҳақида ёзади: тора "происхождение", со ссылкой на "Тарих-и Бобурий": Дарвеш Муҳаммадхон тора муча била мундин улуг эди; "царевич", "сын падишаха", с цит. из "Ғаройиб ас-сиғар" (как выпле при слове toquz) с толкованием: и этот (стих) поясняет закон у тюрков: когда на собрании кому-либо подаётся чашка с вином и он прольёт каплю, в качестве штрафа за это дают (выпить) десять других чаш, и если прольёт вино, дают тридцать чаш; "закон", "обычай", с цит. из "Соқийнама" и "Тарихи Акбарий"; "установление введенное Чингизханом"; "плоские брёвна, железные брусья (доски), которые в дни битвы связывают одну с другой цепями и крючьями и создают укрепление (крепость) для войска, (войны) стоят за ними (позади такого укрепления) и ведут бой", с цитатой из "Чор девон", из "Сади Искандарий" (та же цитата, что в "Абушқа"); по Толи Ҳаравий: "пушка", которую перевозят при помощи вьючных животных", позендски - "корова" (вол), по чагатайски "корова".

Кўриниб турибтики, Фатҳали Қожор тора сўзининг маъноларини берар экан, Толе Ҳаравий қайд қилган "тўп" маъносини хато демайди. Бу хусусда шундай ёзади:

тора нинг олти маъноси бор. Биринчиси - "насл, насаб",

... Толе Ҳаравий "тўп" маъносини бериб хато қилган (З.,б.81).

"Санглох"да қайд қилинишича "Бадойи ал-луғат" ва "Абушқа"да бундай хатолар кўп.

"ЛУҒАТИ АТРОҚИЙА" ВА "АБУШҚА"

Навоий асарларига тузилган қўлёзма луғатлар ичида бу луғатлар тузилиш усуллари билан бир-бирига жуда яқин туради. Бу икки луғатда сўз шакллари айрим сўз сифатида олинган:

"Абушқа" да:

бат
бахшы
барыш
барғанынғын
барай
бардик
бару
бары

"Луғати атрокий" да:

байқара
бағышыда
барурда
балалаб
бағышлаб
барыб
бараб
башқарыб

Навоий асарларыга тузилган луғатларнинг тузилиши, шавохидлар келтирилиши, маъно очиш усулларыда умумийлик борлигига биринчи бўлиб "Абушқа" ношри В.В.Вельяминов-Зернов эътибор берган. Мисоллар билан улбу яқинликни тушунтиришга ҳаракат қилган. А.К.Боровков "Абушқа" билан "Бадойи ал-луғат"даги ўхшашликлар устида бафуржа тўхталди. У очук сўзининг "Абушқа" ва "Бадойи ал-луғат"да берилиши ҳақида ёзади: "По разному, на первый взгляд толкуется в обоих словарях слово очук. В "Бадойи ал-луғат" оно переводится как производное от ис - "летать" - "летающий" и "лишившийся чувств", вместо правильного очик "потухший", "угасший", как в "Абушқа" (З.,с.94), причём в том и другом словаре для этого слова использована одна и та же подтверждающая цитата из "Фархад ва Ширин". Коль скоро в "Бадойи ал-луғат" очук принято за производное от основы ис - "летать", здесь же приводится условная форма от побудительного глагола "заставить летать" - исчиса с примером из "Лайли ва Мажнун" со ссылкой на игру слов в этом примере. В "Абушқа" вслед за осик следуют формы исци - "исчез", "скрылся", "погас"(З.,с.95) с примером (рубай Навои), осурса - "если погасить" (З.,с.95) с примером из Лютфи (З.,с.95), усурди - "бросил", "бросил в воздух, на ветер", "погасил"(свечу), но с тем же, что и в "Бадойи ал-луғат", стихом из "Лайли ва Мажнун" на исурса и так же со ссылкой на два значения этой формы в подтверждающей цитате (исурса - "развевал бы" и осурса - "погасил бы") т.е. как в "Бадойи ал-луғат" здесь смешиваются омографы исиг - "заставить летать" и осиг - "гасить".

Бу ва шунга ўхшаш мисоллар А.К.Боровковга "Абушқа" "Бадойи ал-луғат"нинг таржимаси, яъни "Абушқа" оригинал эмас деган фикр айтишга асос бўлган. Аммо масалага жиддийроқ қарайдиган бўлсак, "Абушқа" мустақил луғат эканини кўрамиз. "Бадойи ал-луғат"даги 877 сўздан 245 таси "Абушқа"да йўқ. А.К.Боровков кейинчалик ўзининг эски фикридан қайтиб, "Абушқа" "Бадойи ал-луғат"дан айнан кўчирма эмас, балки у янги материаллар ҳисобига анча бойитилган луғат деган хулосага келади. Ж.Клосон ҳам "Абушқа"га жуда объектив баҳо беради: "Автор "Абушқа"составлял свой словарь немного спустя (ранний список его относится к 1552 г.) после смерти Бабура, так что он имел дело с живым языком, который функционировал в то время. И переписчик, и

автор были турками и понимали, что они пишут в противоположность переписчику "Санглох а, который не понимал языка. Тем не менее словарь в целом внушает доверие" (28, 222).

"Абушқа"нинг оригиналлигига кўшлаб ваҳждлар кўрсатиш мумкин, албатта. Юқорида айтилганлар билан киёфоялиб, гапни "Абушқа" ва "Луғати атрокийя"нинг ҳеч бир тадқиқотчи шу пайтгача эътибор бермаган бир муҳим томонига қаратамиз. "Луғати атрокийя" ва "Абушқа"нинг тузилиш усулларини синчковлик ва чуқур ўрганиш жараёнида бу икки луғат заминиди эски ўзбек тилининг грамматикаси учун керакли материаллар ётгани сезилади.

Биз ана шу материалларни турли жиҳатлардан ўрганиб, уларни қуйидаги тартиб бўйича системага солишга ҳаракат қилдик. Ушбу ҳаракатларимиз натижаларини бошқа бир ишимизда эълон қилиш ниятимиз бор.

"ЛУҒАТИ АТРОКИЙЯ" ВА "САНГЛОХ"

Юқорида айтиб ўтилганидек, "Луғати атрокийя" Навоий асарларига тузилган луғатларнинг энг сўнгиси эканлиги маълум бўлди. Бу луғат Навоий тили бўйича тузилган биринчи луғатлардан тўрт аср кейин тузилгани учун, биз унинг олдинчиларига нисбатан бекиёс катта бўлиши табиий бир ҳол эканига ишондик. Луғатга киритилган сўзларнинг манбаълари ҳам бир хил, яъни Навоий асарлари. Луғат сўзларида ўхшашлик бор. Лекин, бу каби ўхшашлик оддий кўчирмачилик эмас, Навоий луғатларининг барчасида луғат тузиш йўл-йўриқлари умумий, аммо шу билан бирга ҳар қайси муаллифнинг ўзига хос усуллари ҳам бор. "Луғати атрокийя" билан таниш олимлар "Санглох"ни яқиндан билмаганликлари ёки бу луғат ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаганликлари туфайли у ҳақида турли фикрлар билдирганлар. А.Н.Самойловичнинг "Мабоний ал-луғат" рисоласи хусусидаги фикри, А.А.Ромаскевичнинг "Луғати атрокийя"га бағишланган мақоласи луғатни синчковлаб ўқимаслик натижасида юзага келган. "Луғати атрокийя" билан "Санглох"га ҳолис баҳо бериш учун бу икки луғат ва уларнинг муаллифлари хусусида ҳамма маълум нарсаларни эслаб ўтишга тўғри келади. Акс ҳолда киёсимиз ва ундан келиб чиқадиган хулосаларимиз бир ёқлама бўлиб қолади.

"Луғати атрокийя" илм аҳлига маълум бўлгач бошқа, яъни "Бадойи ал-луғат" ва "Абушқа"дан устун эканлиги маълум бўлди. "Санглох" ҳали ҳеч кимга тузукрок маълум бўлмагани учун тадқиқотчилар А.А.Ромаскевич мақоласи таъсирида бўлиб келдилар. Ушбу баҳонинг келиб чиқиш сабаби қуйидагича.

Навоий асарларига тузилган луғатларнинг бир-бирига муносабатини чуқур тадқиқ қилиб, муҳим илмий аҳамиятга молик натижаларга эришган Б.Ҳасанов "Санглох" ва "Луғати атрокийя"ни киёслаш ишини Фатҳали Қожор кўзгаганлигини таъкидлайди. Фатҳали Қожор ҳарбий хиз-

магчи сифатида Эрон ва Туркиянинг турли вилоят ва шаҳарлари бўйлаб сафар қилганида эски ўзбек тили бўйича тузилган луғат топиш учун тинимсиз изланган. У анча кексайиб, 61 ёшга етгандагина "Санглох" луғати ҳақида хабар топади. Мирзо Маҳдийхон тузган ушбу луғатни Техрондан топишга муяссар бўлган. Луғат Мирза Тақий Алиободий кутубхонасида фақат бир нусхада бўлиб, уни китобдор Фатҳали Қожорга омонат шарти билан атиги уч кунга берган. Бу ҳақда Қожор шундай ёзади (10, 7 а.б): "Хукм юзасидан бу камтарин Ироқ, Озарбайжон, Форс, Хуросон, Хиротда, балки яна Рум (Туркия)нинг етти-саккиз вилоятида бўлган чоғларимда чиғатоича луғат излаб ҳар қанча уринсам ҳам топиш имкони бўлмади. Умр охири -61 ёшда эдимки, Мирзо Маҳдийхоннинг "Санглох"и ҳақида хабар топдим. Лекин унинг нусхалари жуда камёб бўлганидан кўришга муяссар бўла олмадим. Охир шундай бўлдики, Дорухилофада яъни Техронда менга уни Оқойи Мирза Тақий Алиободий кутубхонасида омонат шарти билан уч кундан ортққка бермадилар".

"Луғати атроқийа"нинг бошқа бир, лекин "Баҳжат ал-луғат" деб аталган нусхаси ҳақида мақола ёзган венгер олими Ж.Тури Фатҳали Қожор "Санглох"ни 1845 йилда топган деб кўрсатади. Шунга кўра, Фатҳали Қожорнинг туғилган йили қуйидагича бўлади:

Фатҳали Қожор 1845 йилда 61 ёшда бўлган бўлса, 1845 дан 61 ни айирсак, унинг туғилган йили 1784 йил бўлиб чиқади. Бизга "Луғати атроқийа"нинг тугатилган йили маълум бўлгани учун, уша пайтда Қожор неча ёшда эканлиги, қуйидаги амалиётни бажариш йўли билан аниқланади. Яъни 1862 дан 1784 ни айирсак, Қожор 78 ёшда бўлган эканлиги маълум бўлади. Ҳисоб-китоб шу руҳда давом этиб, Фатҳали Қожорни ёлғончига чиқариб қўйиш имкони ҳам туғилган. Гап шундаки, агар яна Ж.Турининг "Санглох"нинг ягона нусхаси Қожорга 1845 йилда берилган десак бу ҳолда китобни уч кун муддатга берганлари хусусидаги гап ҳам ёлғон бўлади. Негаки, китобнинг эгаси Алиободий 1840 йилда вафот этган, деган хабар бунга йўл қўймайди. Бизнинг фикримизча, бу ерда ҳеч бир ёлғон йўқ, чунки Фатҳали Қожорга китобни Тақий Алиободийнинг ўзи эмас, балки бир вақтлар унинг мулки бўлган кутубхонанинг кейинги меросхўрлари ёки эгалари берганлар. Буни англаш учун юқорида келтирилган мисолдаги гап "Тақий Алиободий кутубхонасида ... бердилар" тарзида келганига эътибор берилса бас.

Шундай қилиб "Санглох" Фатҳали Қожорнинг қўлида уч кун бўлган. У шу уч кун ичида луғатни синчиклаб кўриб чиқиб қуйидагиларни аниқлашга муяссар бўлган. "Лекин шу уч кун ичида "Санглох" луғатини синчиклаб ўрганаш натижасида, унинг ўз номига муносиб эканлиги аниқланди. Шундан сўнг, авом бу китобдан ҳеч қачон баҳраманд бўла олмаслиги ва ҳаттоки, хос ҳам ҳеч бир натижага эриша олмаслиги маълум бўлди. Бу ҳол мени қаттиқ ҳайратга солди" (10, 7а,б). Фатҳали Қожор "Санглох"нинг камёблиги ва унинг тузилишидаги қийинчиликлар қатор камчи-

ликлар туфайли юз берган деб билади. "Санглох"нинг камчиликлари унинг фикрича куйидагилардан иборат:

1) "Санглох" сўзligининг араб луғатнавислиги усуллари билан тузилганлиги; дарҳақиқат луғат ҳақиқатан ҳам араб луғатлари усулида тузилганлигини Б.Хасанов исботлаб берган. Аммо у буни камчилик деб ҳисобламайди. Ақсинча луғат шарқда кенг илдиз ёйган лексикографик аъёналар руҳида тузилганлигини баён қилади. Б.Хасанов буни ижобий ҳол эканини исботлаб берган;

2) сўзларда унлиларни ифодаловчи белги-ҳаракатларнинг йўқлиги. Сўзларни тўғри ўқиш учун уларнинг кетидан келадиган фонетик қайдлар муҳим аҳамият касб этади. Бу жиҳатдан "Луғати атроқийа" ҳақиқатдан ҳам Навоий асарларига тузилган бошқа барча луғатлардан устун туради, чунки Фатҳали Қожор даярли ҳамма сўзларга тўла ҳаракатлар бериб боради. "Санглох"да эса сўзлардаги ҳаракатлар тўла берилмайди. Шунга қарамадан, бу ҳолини асло камчилик деб бўлмайди, чунки "Санглох" филологик тайёргарликка эга бўлган шахсларга мўлжалланган бўлиб, улар луғат тузилишидаги усуллари ҳеч бир қийинчиликсиз илғаб оладилар ва сўзларни осонликча ўқий оладилар;

3) б-п, ж-ч, к-г товушларининг фарқланиши ёзувда ўз аксини топмаганлиги. Фатҳали Қожорнинг бу даъвоси ўринсиздир. Аслида кўрсатилган товушларнинг имлоси "Санглох"да жуда пухта берилган. Гап шундаки, "Санглох"даги бо, жим ва коф ҳарфлари билан бошланган сўзлар, агар улардан сўнг фонетик ишоралар бўлмаса, п, ч, г талаффуз қилиниши, аммо ўзинча яъни б, ж ва к ўқилиши учун эса тегишли ишоралар бўлиши табиий, чунки "Санглох"дек капитал луғат тузилишидаги ҳамма но-зикликларни шошилишч, уч кун муҳлатда сезиб олиш амри маҳолдир.

Юқорида қайд этилган уч даъвонинг янглиш эқанлиги Б.Хасанов томонидан ишонарли қилиб исботланган. Биз яна қўшимча равишда Қожар даъволарини рад қила оладиган кучли бир далилга эгамиз. Бу далил "Санглох"нинг муқаддимасидаги грамматик рисола "Мабоний ал-луғат"нинг "Имло одоби" бобида жойлашган. Маълумки, Махдийхон "Санглох"даги имло қоидаларини тушинтириш учун махсус боб ажратган;

4) сўз маъноларини тасдиқлаш учун шавоҳидларнинг йўқлиги. Бу даъвонинг ўринсиз экани ҳақида гапиришга ҳожат йўқ. Фатҳали Қожорнинг "Санглох"да шавоҳидлар келтирилмаган деган даъвоси "Луғати атроқийа"нинг қошифи ва биринчи тадқиқотчиси А.А.Ромаскевични ҳам таажжубда қолдиради. Махдийхоннинг луғатига бу жиҳатдан этироз йўқ. Фатҳали Қожор "Санглох"деб аталган луғатнинг иллюстрациялардан ҳоли - "Хулосаи Аббосий"ни кўрган бўлиши керак. "Луғати атроқийа" ва "Санглох"ни қиёсий ўрганиб чиқиш А.Ромаскевич ва Фатҳали Қожорнинг даъволари асоссиз эканини кўрсатади (22,61). Буни исботлайдиган далиллардан бири "Луғати атроқийа" охирида Махдийхон маъноларини ечиб бера олмаган аранг, ҳала, ҳажир, пилпа, йадурган, тунди,

чапун, сағызған, арусак, нэтбас, мучи, зиргуб бағы сўзларидир "Санглох"дан олинган бу сўзларнинг ҳаммасида шеърий шохидлар бор. Бу ўринда Фатҳали Қожор ноҳак.

Хуллас, Фатҳали Қожор ўзидан илгари яратилган "Санглох" ва унинг муаллифига сидқидиллик билан қарамаган. Б.Хасанов "Луғати атрокийа"ни "Санглох" билан қиёсий ўрганиш билан кифояланиб қолмай, тадқиқот доирасига "Бадойи ал-луғат" ва "Абушқа"ни ҳам жалб қилади. Қиёсий ўрганишнинг бошидаёқ "Бадойи ал-луғат" тўлалигича "Абушқа" орқали "Луғати атрокийа"га ўтгани маълум бўлади. "Абушқа" Фатҳали Қожор луғатига кучли таъсир қилган. Буни маъно тасдиқлаш учун келтирилган иллюстрациялар мисолида ҳам кўриш мумкин.

"Санглох" билан "Луғати атрокийа"ни қиёсий ўрганиш Фатҳали Қожорнинг кўп йиллик меҳнати "Абушқа" ва "Санглох" луғатларининг самарали таъсиридагина амалга ошганини кўраемиз. Лекин Фатҳали Қожор қандайдир сабаб билан буни тан олмаси келмай, ўринсиз даъволар билан "Санглох" ва унинг муаллифини айбламоқчи бўлади. Б.Хасанов "Санглох" Навоий асарларига тузилган ҳамма луғатлар ичида нуфузли эканини исботлаб берди.

Мухаммад Махдийхонга ҳам тадқиқотда объектив баҳо берилган: "Махдийхон - Қожорнинг акси. У ниҳоят даражада самимий, "Санглох"ни тузишда фойдаланган манбаъларнинг барчасини тўта олган. Махдийхон "Бадойи ал-луғат", "Абушқа" ва бизгача етиб келмаган бир қатор луғатлардан тўла фойдаланганлиги ҳақида очиқ айтади, уларнинг ютуқларини ҳеч бир камситмай кўрсатиб беради. Шунинг билан бирга у истифода этган луғатларини кўр-кўрона кўчирмайди, уларга танқидий ёндошиб, ҳамма фазилатлари қатори хато ва нуқсонларини ҳам асосли далиллар билан кўрсатиб беради" (22, 63).

Ушбу тадқиқотимизни бошидан ўқиб келаётган киши мана шу ерга келганда табиий бир саволни ўртага ташлайди:

-Хўш, агар "Санглох" Навоий асарларига тузилган луғатлар ичида энг катта ва пухтаси ва унинг муаллифи Мухаммад Махдийхон луғатнавислик ишининг шу қадар моҳир билимдони бўлса, унда нима учун бу луғатнинг нусхалари "Луғати атрокийа"га нисбатан анча олдин маълум бўлсада, луғатга 90-йилларгача ҳеч ким қўл ура олмаган?

Бунинг сабаблари қуйидагилар.

Биринчидан, "Санглох"нинг XVII асрдан бизгача етиб келган учта қўлёзма нусхаси бор. Бу нусхалар ҳақида маълумот ушбу бобнинг бошида келтирилган эди. Қўлёзмаларнинг тавсифларидан маълум бўладики, Фатҳали Қожор таъбири билан айтганда "луғат ўз номига муносиб"дир. Луғатнинг ўзи қийин сўзларни ўз ичига олгани билан бирга унинг қўлёзма нусхалари ҳам ўта каллиграфик усул билан кўчирилган. Бу "Санглох"нинг ўқилишини қийинлаштириб қўйган. Шу тўғрисида бўлса керак, шарқшунослик ишларига катта хурмат билан қарайдиган европа олимларининг ўзлари ҳам, ўтган асрдаёқ бу луғатни четлаб ўтишга мажбур

бўлганлар. Венгер олими Ж.Тури ўзининг Венгер Академиясида Фатхали Қожорнинг "Баҳжат ал-луғат"ига бағишланган маърузасида Махдийхон ҳақида фақат бир бетгина маълумот берган. Шунинг таъкидлаш керакки, унинг мақоласи "Санглох"нинг ташқи тавсифига қаратилган. А.Вамберига эса Махдийхон тузган луғатнинг фақат номигина маълум бўлган. "Абуш-ка"нинг ношири В.Вельяминов-Зернов "Санглох"ни тилга ҳам олмаган. Паве де Куртей "Диксионнер тюрк ориентал" луғатининг муқаддимасида "Санглох"ни тилга олади, аммо уни кўрмаган олим уни қачон тузилганидан беҳабар. Ценкер ўзининг "Диксионнер тюрк-араб-персан" луғати учун жалб қилган манбаълар ичида "Санглох"ни ҳам кўрсатади, аммо Ж.Тури ушбу луғатнинг чиғатойча қисмини қаттиқ танқид остига олиб, аслида Ценкер "Санглох"дан фойдаланмаган деган хулосага келади (22, 15). Профессор П.М.Мелиоранский "Санглох" кўлэмалари билан танишган кўринади, чунки ўзининг "Араб филолог о турецком языке" асари (13, IX)да "Санглох" тўла нашр қилишга лойиқ бўлмаса-да, уни қисқартирилган ҳолда чоп этиш албатта зарур деб ҳисоблайди.

"Санглох"нинг Европадаги тақдирини маъна шундай бўлган. Европанинг кўзга кўринган алломалари луғатдаги ёзув ниҳоят мураккаб бўлганлиги туфайли уни яқиндан ўрганишни пайсалга солиб келганлар.

"Санглох" ҳақида диққатга сазовор бирор нарса айта олмаган олимлар луғатнинг муқаддимасидаги "Мабоний ал-луғат" босма усул билан нашр қилинган, қатта-қатта мақолалар билан чиқа бошладилар. Ҳолбуки, эски ўзбек тилининг грамматикасига бағишланган бу рисола кўл-ёзма ҳолида эканида уни ҳеч ким тилга олмаган эди. Ватандошларимиз ҳам шу нашр туфайлигина диссертация ёзиш ва "Санглох"га ҳавола қилиш имконига эга бўлдилар. Аслида "Санглох"га қилинган ҳаволалар унинг таркибидаги "Мабоний ал-луғат"га қаратилган.

"Луғати атрокийя"нинг топиллиши "Санглох" ва унинг муаллифига қарши айтилган танқидий фикрлар бир ёқлама эканлигини кўрсатади. Луғатнависнинг бошқа луғатнавис хусусидаги фикрлари диққатга сазовор. Луғатнинг биринчи тадқиқотчилари Ж.Тури ва ундан сўнг А.А.Ромасевич "Луғати атрокийя"га жуда юксак баҳо берганлар. Агар уларнинг "Луғати атрокийя"га берган баҳосини келтирадиган бўлсак, "Санглох" устида ишламоқчи, аммо иккиланиб турган тадқиқотчилар ҳам бу шахдидан қайтишга мажбур бўлганликлари маълум бўлади. Маъна ўша баҳо: "В высшей степени добросовестную работу Фатх-Али-хана Казвинского, результат многолетнего труда, по справедливости можно назвать вместе с J.Thury одним из лучших словарей чагатайского языка" (22, 10).

"Санглох" кўлэмаларининг ўқиш қийинлиги тадқиқ қилиш ишининг чўзилиб кетишига олиб келди. "Санглох"нинг факсимил наشري (27, 113) амалга оширилган, уни "Луғати атрокийя" билан қиёсий таҳлили анча вақтгача чўзилиб кетди. Фақат ўттиз йил ўтқач "Санглох" билан "Луғати атрокийя" ва умуман Навоий асарларига тузилган барча луғатлар чуқур илмий таҳлил қилинди. Уларга муносиб баҳо беришга муяссар бўлинди.

Ушбу тадқиқотни Б.Хасанов докторлик диссертацияси сифатида амалга оширди. Диссертация рус тилида, аммо унинг маъзи "Жавоҳир хазиналари" номи билан ўзбек тилида чоп қилинди (23, 99). Мана шу ишлар туфайли "Санглох"нинг ўзбек луғатнавислиги тарихида тутган ўрни кўрсатиб берилади. Фатҳали Қожорнинг "Санглох" ва унинг муаллифи хусусидаги эътирози ўринсиз эканлиги исботланди. Дарвоқе "Жавоҳир хазиналари"да "Луғати атроқийа" ва унинг муаллифи хусусида тўғри фикр изҳор қилинган: "Агар Махдийхоннинг "Санглох"и яратилмаганда эди, "Луғати атроқийа" сўзларни жойлаштиришдаги нуқсонли жиҳатларига қарамай, Навоий асарларига тузилган луғатларнинг биринчиси бўлиб қоларди" (23, 62).

Навоий асарларига тузилган луғатларни тадқиқ қилган олимлар шу пайтгача "Санглох"нинг ҳақиқий ўрнини аниқлашга қаратганлар. Энди Фатҳали Қожор луғатини Навоий луғатлари ичидаги ўрнини аниқлаш лозим. Бунинг учун ишни "Луғати атроқийа"нинг муқаддимасидан бошламоқ даркор. Бу ердаги айрим қайдларга кўра Фатҳалининг луғат учун йиғган мисоллари қуйидаги босқичлардан ўтган.

Биринчи босқич Фатҳали Қожорнинг 17 йил давомида ўтган ҳарбий хизмати даврига тўғри келади. У айни мана шу йиллар ичида, чигатой, яъни эски ўзбек тилини шоир Хужжат раҳбарлигида кунт билан ўрганган.

Фатҳали Қожор эски ўзбек тили машғулоти давомида мутолаа учун Навоий асарларини ҳам йиға бошлайди. Бир неча йил давомида Туркия, Озарбайжон, Эрон ва Хуросонда хизматдан фориғ кезларида Навоий ва туркий забон қаламкашлар асарлари ҳақида суриштириб юради. Натижада икки-уч йил ичида Навоийнинг қуйидаги 24 асарига эга бўлади:

Назмий асарлар: "Давовин арбаа" ёки "Чор девон" ("Хазоийн алмаоний"): 1) "Ғаройиб ас-сиғар", 2) "Наводир аш-шабоб", 3) "Бадойи ал-васат", 4) "Фавойид ал-қибар";

"Хамса": 5) "Ҳайрат ал-аброр", 6) "Сабъайн Сайёра" ёки "Достони Баҳром-гўр", 7) "Садди Искандарий", 8) "Достони Шайх Санъон", 9) "Мантиқ ат-тайр" ёки "Лисон ат-тайр", 10) "Фарҳод ва Ширин", 11) "Лайли ва Мажнун";

Насрий асарлар: 12) "Тарих ал-мулук" ёки "Таворих ал-мулук", 13) "Маҳбуб ал-қулуб", 14) "Хамсат ал-мутаҳаййирин", 15) Мажолис аннафоис", 16) "Насойим ал-муҳаббат", 17) "Муншаот", 18) "Наср ал-лаолий" ёки "Назм ал-жавоҳир", 19) "Аруз" ёки "Мезон ал-авзон", 20) "Иншо" ёки "Китоби иншо", 21) "Вақфийаи ихлосия" ёки "Вақфномаи ихлосия" ёки "Рисолаи вақфия", 22) "Тарих ал-анбиё", 23) "Сирож ал-муслимин", 24) "Чихил ҳадис".

"Луғати атроқийа"да бу рўйхатга кирмаган асарлардан ҳам мисоллар учраб туради. Шунга кўра айтиш мумкинки, Фатҳали Қожорнинг қўлида Лутфий, Мир Ҳайдар, Бобур, Хусайн Бойқаро, Искандар Мирзо, Камолӣ, Убайдхон, Фузулий, Мулла Соқий ва баъзи форсий забон шоирларнинг ашъорларидан намуналар бўлган.

Навбатдаги иккинчи боскичда мутолаа қилинган асарлардан фақат туркий сўзларни ажратиш, яъни луғатнинг сўзлигини тайёрлашдан иборат. Луғатнавислик мазкур ишни худди шу йўсинда давом эттиришни тақозо қилади. Бу боскичдаги ишни беҳуда уринишлардан холи қилиш учун ишни тахминан қандай давом эттириш лозим эканидан бошлаймиз. Масалан, айтайлик "Хазойин ал-маоний"дан бир байт ўқидик:

Айлап фалакни сумурдум, Нава:ийа:,

Қош тутуп бу базм ичиндаки, хушйа:рмэн хануз.

Энди ушбу байтдаги туркий сўзларни ажратамиз. Улар қуйидаги сўзлар бўлади: айлап, сумурдум, қош, тутуп, бу, ичинда.

Шу вақтнинг ўзида ёки бошқа бир вақтда яна "Хазойин ал-маоний"нинг турли еридан мана бу байтларни ўқиймиз:

Эй Нава:ий, дэмаким, жа:ну конгулни найладинг,

Иккисин қыдым фида:, чун ба:данушим тутты қош.

Бу байтдаги туркий сўзларни ҳам ажратамиз: дэмаким, конгул, найладинг, иккисин, қыдым, тутты, қош.

Яна шеър ўқиймиз:

Гар Нава:ий бир айағ ичса га:хи ғам дафъиға,

За:хид андин озни ғамгин тутса, ичинг эмди қош.

Байтдаги туркий сўзлар: андин, бир, айағ, тутса, ичинг, ичса, озни, эмди, қош.

"Хазойин ал-маоний"дан яна бир байт:

Қорғарамким, болмағай азарда на:зик қа:матинг,

Эгнига қош-қошки, салдынг жуъди анбар бар бар.

Бу шеърдаги туркий сўзлар: қорғарам, болмағай, азарда, эгнига, қош-қош, салдынг.

"Ҳайрат ал-аброр"дан мана бу байтни ўқиймиз:

Са:кийи гулчэхра тутар бирла қош,

Айласа базм аҳлиға та:ра:ж қош.

Бу байтдан ҳам туркий сўзларни ажратиб оламиз: тутар, бирла, қош, айласа.

"Фарҳод ва Ширин"дан ўқиймиз:

Қыл аввал нушу бэрким, қылай нуш,

Қош ичсанг, тутки, мэн дағы қылай нуш.

Бу байтдаги туркий сўзлар: қылай, дағы, қош ичсанг, тут, мэн.

"Лайли ва Мажнун"дан байт:

Ул ба:дадин уйла тут мэнга қош

Ким, йа:дыма ҳаргиз отмасун хуш.

Бу байтдаги туркий сўзлар: ул, уйла, мэнга, қош, йадыма, отмасун, хуш. "Тарих ал-анбиё"дан ҳам бир жумла ўқиб кўяйлик: ва Жабра:йил хабу:тат кэлтуруп А:дамга қош суруп экин эмак қа:ғидасин оргатти.

Жумладаги туркий сўзлар: кэлтуруп, қош, суруп, экин, эмак, оргатти.

Ана энди, юқоридаги туркий сўзлар луғатини тузиш мақсадида байтлардан олинган ҳар бир сўзни карточка ёки айрим варақнинг ўнг ёки чап бурчагига байт билан бирга кўчирамыз. Шунда байт кўчирилган карточкаларнинг сони юқорида келтирилган сўзлар сонига тўғри келади. Сўнгра бурчақдаги сўзга қараб карточкаларни алифбе тартибига солиб чиқамиз. Алифбе тартибига солинган карточкалар мажмуаси комуснинг "картотека" деб аталмиш қисмига асос бўлади. Шарқ луғатнависларининг "картотека" вазифасини бажарувчи қисми ҳақида қизиқарли маълумотлар мавжуд. Картотека масаласи ҳозирги замон луғатнавислик амалиётида илмий асосга кўйилган. Бу масалага бағишланган махсус ишлар бор.

Энди ҳосил бўлган картотеканинг бурчагига ёзилган сўзларни алифбе тартибига солиб икки устунга жойлаштирсак, қуйидаги сўзликка эга бўламиз:

1-устун	2-устун
азарда	бир
андин	бирла
отмасун	тут
оргатти	тугар
озни	тутса
ул	дағы
уйла	салдың
айағ	суруп
ичса	қорғарам
ичсанг	қош
ичинг	кэлтуруп
эмак	мэн
экин	мэнга
	хуш
	йадыма

Икки устунда ҳосил бўлган сўзликнинг кетма-кетлигида биз алифбе тартибига риоя қилдик. Аслида "Луғати атрокийя"да бундай тартиб бузилган. Бунинг устига юқоридаги устулардаги сўз шакллари мустақил луғат моддаларини ташкил қилади. "Санглох" билан "Бадоий ал-луғат"да эса сўзларнинг бош шакли луғат мақоланинг бошига олинган. Сўзнинг бошқа шакллари бош сўз атрофиға ййғилган. Сўзларда уялаш усули қўлланган.

Худди шу ерда "Луғати атрокийя"ни тузиш ишида биринчи босқичдан иккинчи босқичга ўтилади.

Иккинчи босқичда Фатҳали Қожор мутолаа қилган китобларидан эски ўзбек тилига ўзлашиб кетган мўғулча, арабча, форсча ва шунга ўхшаш

сўзларни ажратади. Яъни луғат сўзлигини тайёрлаб олади. Бу ишни юкорида тажриба қилган йўсин билан бажариш қулай бўлишига қарамай, Фатҳали Қожор бу босқичда бошқача йўл тутган. Буни унинг кўйидаги гапларидан илғаб олса бўлади: "...ва тўрт йил давомида (китоб) охирига етказилиб "Луғати атрокийя" номи кўйилди. Уни анжомига келтиришнинг чўзилиши бўш вақтнинг йўқлиги, девон юмушларига буюрилганим туфайли бўлди. Яна бошқа бир сабаб шулки, амир (Навоий)нинг асарларидан сўзлар учун (керакли) шохидларни топиш ишнинг чўзилишига олиб келди" (10, 9 б). Айни шу гаплардан келиб чиқиб А.А.Ромаскевич "Утверждение это странным образом противоречит тому, что мы знаем о "Санглох"е по существующему экземпляру его в Британском музее: там читаты из произведений Мир-Али-Шира изобилуют на каждой странице",-дея Фатҳали Қожорнинг кўлида "Санглох"нинг қандайдир сукутли, ёки тўғрироғи унинг қискартирилган нусхаси "Хулосайи Аббосий" бўлгандир,-деган хулосага келади.

Агар Фатҳали Қожор ҳақиқатдан ҳам луғат сўзлигини "Хулосайи Аббосий"дан олиб, сўнгра ўша сўзларнинг маънолари учун шавоҳидларни излаб луғат мақолаларга киритган бўлса, унда нафсиламр билан айтганда, у жуда мушқил ва ўта мураккаб ишни бажарган бўлади. Аммо иш бошқача бўлгани ҳақида фикрлар бор. Бу фикрга кўра, "Луғати атрокийя"-нинг сўзлиги учун "Санглох"нинг қисқарган варианты "Хулосайи Аббосий" эмас, балки унинг ўзи манбаъ бўлган. Бу фикрнинг далилига икки исбот:

1. "Санглох"нинг охирида Маҳдийхон маъноларини очиб бера олмаган аранг, ҳола, ҳажир, пилша, йадурған, тунди, чалун, сағызған, арусак, нэбас, мучи ва зирғуб бағи сўзларини келтиради. Фатҳали Қожор айнан ана шу 12 сўз маъносини очиб беришга ҳаракат қилган. У ушбу сўзларни луғатнинг охирига жойлаштиради. "Хулосайи Аббосий"да бу 12 сўз йўқ. Хўш, агар Фатҳали Қожор "Луғати атрокийя"нинг сўзлигини "Хулосайи Аббосий"дан олган бўлса, "Санглох"даги 12 сўзни қаердан олган? Ўз-ўзидан маълум бўладики, "Санглох"дан.

Иккинчи исбот "Луғати атрокийя"даги тўра луғат мақоласи билан боғлиқ:

"тўра: ... ва яна Толе Ҳаравий Маҳдийхон у ёки бу муносабат билан тилга олади. Бу ўринда Фатҳали Қожор "Санглох"га таянган, дейиш тўғри деб ёзади. Б.Ҳасанов (22, 61).

Келтирилган исботлар "Санглох" Фатҳали Қожор учун ишончли манбаъ бўлган дейишга асос беради. Бу масалада учинчи исбот ҳам бор. Бу исбот кучли асосга эга. Аммо уни тасдиқлаш учун Қожорга "Санглох" таниш бўлган деган хабарга кўз юмиб туриб гапни навбатдаги босқичга кўчиришга тўғри келади.

Учинчи босқичда луғат учун йиғилган ҳамма сўзларни тартибга солиши керак, акс ҳолда бундай сўзлик билан ишлаш ниҳоятда қийин бўлади. Шу йўлдан бориб, у аввало ҳамма сўзларни 26 бобга ажратади. Бобларнинг тартиби қуйидагича:

- 1) алиф мамдуда боби;
- 2) алиф мақсура боби (бу икки боб 1540 сўздан иборат);
- 3) арабий (б) ва форсий (п) бо боби - 658 сўз;
- 4) то ал-қаршат боби - 1043 сўз;
- 5) уч нуктали со боби - 1сўз;
- 6) арабий (ж) ва форсий (ч) жим боби - 471 сўз;
- 7) ҳо ал-хуттий боби - 4 сўз;
- 8) нуктали хо боби - 32 сўз;
- 9) нуктасиз дол боби - 111 сўз;
- 10) ро ал-қаршат боби - 75 сўз;
- 11) нуктали зо боби - 24 сўз;
- 12) нуктасиз син боби - 670 сўз;
- 13) шин ал-қаршат боби - 82 сўз;
- 14) нуктасиз сод боби - 4 сўз;
- 15) то боби - 8 сўз;
- 16) нуктасиз ғайн боби - 8 сўз;
- 17) нуктали ғайн боби - 48сўз;
- 18) нуктали фо боби - 24 сўз;
- 19) қоф боби - 892 сўз;
- 20) арабий (к) ва форсий (г) қоф боби - 547 сўз;
- 21) лом боби - 34 сўз;
- 22) мим боби - 165 сўз;
- 23) нун боби - 212сўз;
- 24) вов боби - 11 сўз;
- 25) ҳо ал-ҳавваз боби - 60 сўз;
- 26) йо ал-хуттий боби - 1150 сўз.

Энди шу 26 бобга жойлаштирилган 7694 сўз хусусида гапирадиган бўлсак, бу сўзларнинг учдан бири маълум ўзаклардан ясалган. Бу ҳақда Фатҳали Қожор алоҳида гапиреди. Аммо сўз шакллари ҳам мустақил сўзлар каби айрим-айрим луғат мақолаларни ташкил қилган. Шунинг учун ҳам "Луғати атрокийя"даги луғат мақолалар бошқа ҳамма луғатларникидан кўпроқ. Бу нарса "Луғати атрокийя"нинг сўзлиги "Санглох" ёки "Хулосайи Аббосий"дан олинган эмас, дейишга асос бўла олади. Чунки кейинги икки луғатда бош сўзлар сўз шаклида учрамайди. Улар маскур луғатда фақат масдар бирлик сон ва бош келишиқда келган.

Сўзларнинг алифбе тартибида жойлаштирилиши тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу жиҳатдан ҳам "Луғати атрокийя", "Хулосайи Аббосий" ва "Санглох"дан йироқ эканини кўраимиз. "Санглох" ва "Хулосайи Аббосий"да сўзлар пухта тартибга солинган "Луғати атрокийя"да сўзларнинг жойлашишида алифбе тартиби умуман сақланмаган. Буни қуйидаги мисоллардан кузатишимиз мумкин:

отқулук, отгунг, озлук, ушаттынг, онг, огутмак.

кэйуруб, киргач, кэгурсунлар, кэлинг, кэлтурадур, кэлур, кэткунгдурур.

Мисоллардан кўриниб турибдики, боблар ичида алифбе тартибига эътибор берилмаган. Бас, шундай экан, қандай қилиб "Луғати атрокийя"да луғат тузишнинг энг биринчи шартларига риоя қилинмаган деган савол туғилди. Бу ҳолни тушунтириш учун Фатҳали Қожорнинг "Хулосайи Аббосий" ёки "Санглох"га тобёъ бўлгани ёки бўлмагани ҳақидаги юқориди санаб ўтган уч қарашнинг ҳар бирида маълум ҳақиқат борлигини тан оламиз. "Луғати атрокийя" ва Навоий асарларига тузилган луғатларни ўрганиш натижасида янги бир фикрни ўртага ташламоқчимиз.

Фатҳали Қожор эски ўзбек тилини ўрганиш ва Навоий асарларини мутолаа қилишда шу тилга, хусусан, Навоий тилига бағишланган луғатларга эҳтиёж сезган. Шундай луғатлардан бири "Абушқа" Кавказ томонларда кенг тарқалган бўлиб, Фатҳали Қожор унинг бирор нусхасига эга бўлган. "Абушқа" ҳақида устози шоир Хужжат сўзлаган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ҳар қалай биз тузайтган йиғма луғатда "Абушқа"дан кирган сўзларнинг деярли ҳаммаси "Луғати атрокийя"да ҳам бор. Фатҳали Қожор ўз машқлари ва луғати учун биринчи навбатда "Абушқа"дан фойдаланган. Мана бу сўзларнинг "Абушқа" ва "Луғати атрокийя"да келишига эътибор беринг:

Абушқа	Луғати атрокийя
ара,16	ара
арбағ,16	арбағ,455
	арбағи,438
ат,6	ит,47
	атимдурур,60
арман,16	аруман,433
атығыб,6	атықмақ,6114
ачығ,10	ачығ,144
ашукмақ,20	ашукмақ,196
	ашукманг,275
ашуктум,20	ашуктум,307

Шу мисолнинг ўзиданоқ кўриниб турибдики, Фатҳали Қожор "Абушқа"даги ҳамма сўзларни олиш билан бирга, баъзи сўзларнинг янги шакллари ҳам киритган. Бу иш мутолаа давомида бажарила борилган. Албатта, бундай сўзларни Навоий асарларидан излаб топиш кўп вақт талаб қилган. Энди луғат тузиш ишининг чўзилиш сабаби тушунарли бўлса керак.

Ана шундай қилиб Фатҳали Қожор "Абушқа"даги 2054 сўз ва сўз шакллари деярли тўлалигича ўз луғатига киритган. Қироат давомида у ишни шу алфозда давом эттиради ва луғатини ҳозирги биз кўриб турган ҳолатга келтиради. Мана шу орада, яъни "Абушқа"дагидан ташқари яна 7000 дан ортиқ сўз ва сўз шакллари йиғишнинг қайсидир бир нуктасида - боши, ўртаси ёки охирида - Фатҳали "Санглох"нинг мисоллардан холи варианты "Хулосайи Аббосий"ни ҳам қўлга киритишга муяссар бўлади. "Хулосайи Аббосий", "Санглох"дан қисқартиб тузилган

бўлиб, у ҳам "Абушқа" каби Кавказ, Эрон ва Туркияда кенг тарқалган эди. Албатта, луғат муқаддимасида уни "Санглох"нинг қисқартма шакли эканини билган. Шу сабабли у "Санглох"ни излайди. Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди: "...Мирзо Махдийхоннинг "Санглох" луғати ҳақида хабар топилди. Лекин мазкур нусха ниҳоят камёблигидан кўришга муяссар бўлмадик. Йўл Мирзо Тақий Алиободий кутубхонасига етмагунча изла-нишлар шу алфозда давом этди. Уни бу ерда омонат шарти билан уч кундан ортиққа бермадилар. Лекин шу уч кун ичида "Санглох" луғатини синчиклаб ўрганиш натижасида унинг ўз номига муносиб экани аниқ-ланди".

Луғатнависликнинг энг юқори савиясида тузилган бу икки луғат ав-валига Фатҳали Қожорни таажжубга солади: ҳар икки луғатнинг пух-талиги унга нуқсондек, муаллифларнинг луғатнавислик маҳорати ушбу фан-ни билмасликдек туюлади. Бундай фикрлашнинг асосий сабаби, Фатҳа-ли Қожорнинг умри ҳарбий хизмат билан ўтган бўлиб унда филологик маълумотнинг йўқлигида эди. Шундай бўлсада, узоқ йиллар давомида лу-ғатнавислик соҳасида оз-оз орттирган билим ва тажриба унга луғатни "Санглох"даги усуллар билан тузиш лозимлигини кўрсатади. Бирор ой ёки узоғи билан бир йил ичида "Луғати атрокийя"ни "Санглох" қо-липига туширишга ҳаракат қилади. Шу билан бирга уни "Санглох"га ўхшаб қолишидан кўрқади. Натижада, у луғатни шу кўринишда қолди-ради. Бу кўрқув ва мажбурий тўхталиш унчалик кўзга ташланмаслиги учун Фатҳали Қожор луғатининг муқаддимасида бироз ёлғон гапиришга мажбур бўлади.

"Луғати атрокийя" ташқи кўриниши жиҳатидан луғатнавислик ишининг баъзи талабларига жавоб бера олмасида, у бошқа жиҳатлари, айниқса, сўзларнинг фонетик қайдлари ва маъно очиш усуллари билан бошқа лу-ғатлардан қолишмайди. Буни Фатҳали Қожор "Луғати атрокийя"нинг сўнг-ги тўртинчи босқичида жуда яхши намоиш қилган.

Луғат тузиш иши пайдо бўлган узоқ ўтмиш даврлардан бошлаб, улар-нинг хислати биринчи навбатда тасдиқловчи мисолларнинг бор-йўқлиги билан белгиланган. 1500 йил давомида тузилган катта-кичик луғатларда турли даврда яшаган юзлаб шоир ва бошқа ижодкорлардан кўплаб ша-воҳидлар йиғилган. Шунга кўра шарқ луғатлари машҳур ёки умуман номлари номаълум ижодкорларнинг ижод бисотхонаси вазифасини ҳам ўтаб келмоқда.

Фатҳали Қожор ҳам шохид келтириш масаласига катта ўрин бе-ришга ҳаракат қилган. "Луғати атрокийя"да кўпчилик сўзларнинг маъ-нолари учун 3-4 ва ҳатто, баъзи ҳолларда, ундан ҳам кўпроқ мисоллар келтиради. Масалан, биргина қуш ва қўш луғат мақоласида у Навоий-нинг "Чор девон"и, "Ҳайрат ал-аброр", "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун"идан 8 байт ва "Тарих ал-анбие" асаридан бир жумла мисол келтирган. Луғатда бундан ҳам кўп мисолли луғат мақолалари учрайди.

Луғатлардаги фонетик қайдлар ҳам луғатнависликда узоқ ўтмишдан қолган анъана. Бундай қайдлар ўта муҳим. Фатҳали Қожор ҳам бу со-ҳада жуда оригинал усулларни қўлайди. Натижада унинг луғати бошқа

луғатлардан шу жиҳати билан устун туради. Фатҳали Қожор, аввало, у, ў, о, о унлиларини аниқлаш учун Толе Ҳаравий, Румий ва Маҳдийхон қўллаган фонетик қайдларни ишлатмайди: у о ва у товушлари учун ишба:ъ, ёки има:ла эмас, балки ва:ви маълум атамасини, о ва у учун эса ва:ви мажҳул атамасини истъомолга киритади. Фатҳали Қожорнинг ҳар бир сўз учун қўллаган фонетик қайдлари жуда тўла ва мукамал. Ҳозирги ўқувчи учун катта енгиллик туғдиради.

Хуллас, Фатҳали Қожор Навоий асарлари устида катта иш олиб бориб келгуси авлодлар учун бебаҳо хазина қолдирди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. "Фан", Т., 1984.
2. Аширбаев С. Из истории изучения грамматического строя узбекского языка. Автореферат на соискание кандидата филологических наук. Т., 1975.
3. Боровков А.К. "Бадойи ал-лугат" - словарь Тали Имани Гератского к сочинениям Алишера Навои. Издательство восточной литературы. М., 1961.
4. Ибрагимова А. Исследование "Келурнаме" Мухаммада Якуба Чинги. АКД, Т., 1976.
5. Кадыров М. Функционирование падежных форм в прозе Алишера Навои. Автореферат на соискание кандидата филологических наук. Т., 1977.
6. Кадыров Т.Ш. Филологическое исследование словаря "Хулоса-йи Аббаси" Мирзы Мухаммада Хойи. Автореферат кандидатской диссертации. Т., 1988.
7. Каримов Б., Мугалов Ш. Ўрта турк тили. "Мехнат", Т., 1992.
8. Коллектив. XIII-XIV асрлар туркий адабий ёдгорликлар тили. Масъул мухаррир Э.И.Фозилов. Т., 1986.
9. Лапасов Ж. Морфология языка поэмы "Юсуф-у Зулайха" Дурбека. Автореферат диссертации кандидата филологических наук. Т., 1971.
10. Лугати атрокийи, С.Петербург университет кутубхонаси кўлёзма, инв. N 1177.
11. Мамадов Х. Лексико-стилистические особенности художественной прозы Алишера Навои. Автореферат диссертации кандидата филологических наук. Т., 1969.
12. Маслов Ю.С. Введение в языковедение. М., 1975.
13. Мелиоранский П. Араб-филолог о турецком языке. Спб., 1900.
14. Насыров И. Лексика "Маджлиси ан-нафис" Алишера Навои. Автореферат кандидатской диссертации. Т., 1980.
15. Ромаскевич А. Новый чагатайско-персидский словарь. Сб.: Мир Али Шир. Л., 1928.
16. Рустамов А. Некоторые грамматические особенности языка "Махбуул-кулуб" Алишера Навои. Автореферат на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Т., 1958.
17. Рустамов М.А. Лексика языка дивана Гадаи. АКД, Т., 1992.
18. Умаров З.А. Грамматика староузбекского языка "Мабани ул-лугат" Мирзы Махдихана. Автореферат кандидатской диссертации.

19. Усманов А. "Мухаккамат ал-луғатайн" Алишера Навои. Издательство АН УзССР. Т., 1948.
20. Фаттахов Х.Х. Мухаммад Риза Хаксар и его "Мунтахаб ал-луғат", АҚД. Т., 1974.
21. Фозилов Э.И. Алишер Навоий тилининг луғатини тузиш хақида. - "Ўзбек тили ва адабиёти", 1988., N 3.
22. Хасанов Б. Принципы составления рукописных словарей к произведениям Навои. Автореферат диссертации доктора филологических наук. Т., 1989.
23. Хасанов Б. Жавоҳир хазиналари. Ғ.Ғулум нашриёти. Т., 1989.
24. Хусайний А. Бадойиъу-с-санойиъ (Аруз вази ва бадийи воситалар ҳақида) Форсчадан Алибек Рустамов таржимаси. Т., 1981.
25. Шарахмедова Н. Словарь "Хамса ба халли луғат" - Адабий мерос. 1988, N 2 (44).
26. Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. Издательство АН СССР. М.- Л., 1962.
27. Closon G. Sanglax. A persian guide to the turkish language by Muhammad Mahdi Khan. Facsimile text with an introduction and indices. London, 1960.
28. Dictionner djaagatai-turc. Public. par V. de Veliami nof-Zernof. St. Petersburg, 1869.
29. Quatremere M. Chrestomatie en turk oriental contenant plusieurs ouvrages de l'emir AliSchir. Paris, 1841.
30. Pavet de Courteille M. Dictionnere turk-oriental. Paris, 1870.
31. Ross D. The mabani I-Iughat being a grammar of the turki language in Persian. by Mirza Mehdi Khan. Bibliothec India wew Series. N 1225. Calcutta, 1910.
32. Vambery A. Abuska csagatajtorok szogujtemany. Elobszeddel es jegyzetekkel Kiserte Jozsef Budenz. Pest, 1862.
33. Zenker J.T. Dictionneire turc-arabe-persian. Turkisch-arabisch-persisches Handwörterbuch. T.I-II. Leipzig, 1866/1876.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Луғат мақолаларининг тузилиши	9
Луғатда талаффуз ва имло қайдлари	14
"Луғати атроқийа"да ундошларнинг берилиши	25
"Луғати атроқийа"да этимологик қайдлар	27
Сўз маъноларини очиш усуллари	31
"Луғати атроқийа"да шавоҳидлар	35
"Луғати атроқийа"да ҳаволаларнинг қўлланилиши	38
"Луғати атроқийа" ва "Бадойи ал-луғат"	39
"Луғати атроқийа" ва "Абушқа"	41
"Луғати атроқийа" ва "Санглох"	43
Адабиётлар рўйхати	56

Шукур Дўстмухамедович Жонбоев

**"ЛУҒАТИ АТРОКИЙА" - АЛИШЕР НАВОИЙ
АСАРЛАРИ УЧУН ТУЗИЛГАН
НОЁБ ҚҮЛЁЗМА ЛУҒАТ**

Мухаррир Э.Умаров

Босишга рухсат этилди 05.04.99й. Бичими 60x84¹/₁₆. Оператив босма усулда босилди. Нашриёт ҳисоб табағи 4.4. Шартли босма табағи 6,3. Адади 200 нусха. Буюртма № **367**

"Университет" нашриёти. Тошкент 700095. Талабалар шаҳарчаси. ТошДУ маъмурий биноси.

ТошДУ босмахонасида босилди.